

ДИНИМИЗ ЯХШИЛИККА БУЮРАДИ

Шу йил 28 апрел — 1 май кунлари Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида “Ислом маданиятида кечиримлилик ва бағрикенглик” мавзуга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда ўнлаб мамлакатлардан келган вакиллар қатори Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ ҳам қатнашди ва нутқ сўзлади.



чиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади» (Ол-и Имрон, 134); «Аллоҳ таоло яна ўз ҳабибига шундай буюради: “Афвни ихтиёр этинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан юз ўгиринг!”» (Аъроф, 199).

Убода ибн Сомитдан (р.а.) ривоят қилинишича, Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобаларига: “Сизларга Аллоҳ бандасининг даражасини нима туфайли кўтаришини айтайми?” дедилар. Саҳобалар:

“Ҳа, айтинг”, дейишди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): “Сенга жаҳл қилганга мулоийм бўлсанг, зулм қилганни афв этсанг, сени маҳрум қилганга инъом этсанг, сендан алоқани узган билан алоқани боғласанг”, деб марҳамат этдилар.

«Таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, — дея давом этдилар муфтий ҳазратлари нутқларида, — ҳозирги кунда жаҳонда баъзи ғаламислар томонидан Ислом дини ҳақида турли нотўғри фикрлар тарқатилаётгани, террорчилик каби иллатларни айни пайтда бевосита Исломга боғлаб, муборак динимиз ва мусулмонларга нисбатан нафрат ўтини ёқишга уринишлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки, ҳаниф динимиз ҳар қандай ёвузликни инкор этади, у соф инсоний фазилатлар, гўзал ахлоқ-одобларни тарғиб қилиш учун юборилган”.

Муфтий ҳазратлари ўз нутқларида Ислом динининг эзгулик, хайрхоҳлик ва яхшиликка ундовчи мукамал дин экани, Қуръони карим ва Суннати набавийя мусулмонларни ҳамиша кечиримли, бағрикенг, раҳмдил бўлишга даъват этиб келаётгани ҳақида тўхталиб ўтдилар. Нутқда, жумладан, шундай дейилади:

“Кечиримлилик нима? Аллоҳ таоло Ўзи кечиримли зот бўлгани ҳолда бандаларини ҳам афв, ғазабдан тийилиш, ёмонликни яхшилик билан даф этиш, адоватдан садоқатни, жаҳолатдан маърифатни устун қўйиш каби эзгу фазилатларга буюриши Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳнинг (с.а.в.) муборак ҳадисларида кўп зикр этилган. Аллоҳ таоло айтади: «(У тақводорлар) **фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни** (хато-кам-

МУНДАРИЖА

<i>Бугуннинг гапи</i> Абдурашид қори БАҲРОМ Динимиз яхшиликка буюради	1
<i>Амри маъруф</i> Муҳаммад Закариё КАНДЕҲЛАВИЙ Ҳидоят йўлларидан бири	5
<i>Ақида</i> Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-ХУМАЙЙИС Ёшларга ақоид дарслари	6
<i>Амри маъруф</i> Баҳодир НУРМУҲАММАД Нега неъматлар қадрига етмаймиз	7
<i>Амри маъруф</i> Аҳмад МУҲАММАД Сўнги сўз	10
<i>Ахлоқ</i> Ярашиқли хислатлар	14
<i>Ибратли ҳикоялар</i> Эркин МАЛИК Дуо олган келин	15
<i>Шеърят</i> Юнус ЭМРО Ишққа кўнгил берган ўзим	22
Гулчеҳра БОБОҚУЛОВА Шайтон малайлари, нафснинг қуллари	23
Абдурахмон АБДУРАҲИМ «Имон бердинг...»	23
Шонеъмат ШОМАҲМУД Тилак	23
<i>Қуръон ва биз</i> Тўхтамурод БАҲРОМ Ўйлаб кўрганмисиз?	24
<i>Ибратли ривоятлар</i> Амри улуг амал	25
<i>Мактубларда манзаралар</i> Абдулҳафиз МАВЛОНОВ Қалбингизни унутманг	26
Ибодулла АҲРОР Илмнинг баракаси	26
АБРОР Оғир йўқотиш	27
<i>Ҳидоят топганлар</i> Кет СТИВЕНС Мен қандай мусулмон бўлдим	28
<i>Тиббиёт бурчаги</i> Сафар МУҲАММАД Эчки сути	32



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Масала

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

4

ЖАМОАТ НАМОЗИ ҲУКМЛАРИ



Сафнинг тўғрилиги оёқ тўпикларининг бир чизиқда туриши билан бўлади. Жамоат кўп бўлиб, бир неча саф тортилса, сафлар имом ортидан ўнг ва чапга тенг тўлдириб борилади. Келган одам олдинги сафда бўш жой бўлганида кейинги сафга турмаслиги керак. Ёш болалар катталардан сўнг саф тортадилар.

Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Давлат Думасида янги бирлашма



Русия Давлат Думасида турли фраксиялар депутатларининг “Русия ва Ислом олами: истиқболга оид суҳбатлар” номли бирлашмаси ташкил этилди.

Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар
Холид Муҳаммад ХОЛИД

12

ҲАММАНИ ЙИҒЛАТГАН АЗОН

Мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилиб, у ерда қарор топганларидан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.) намоз учун азонни машруъ қилдилар. Ҳар куни беш маҳал намоз учун ким азон айтади? Уфқ узра кимнинг такбир ва таҳлиллари янграйди? Бу бахтли инсон Билол бўлди!



Олисларга саяҳат

16

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ



Покистон Ислам Республикаси аҳолисининг 95 фоизи муслмондир. Бунинг 75 фоизи ҳанафий мазҳабидаги суннийлар, йигирма фоизи эса шиалардир. Шиалар ўзларини имомийлар, исмоилийларнинг издошлари ҳисоблашади.

Ислам машғаллари
Ринат НИЗОМИДИНОВ

20

ШАЙХ АҲМАД ДИЙДОД ИБРАТИ

Аҳмад Дийдод ҳозирги диний арбобларга етишмаётган кўп фазилатлар соҳиби эди. Дўстлари ва яқинлари таъкидлашича, у ҳамиша ҳалим, самимий, қаноатли бўлиб, суҳбатдошларини тинглашни билар, уларнинг саволларига одоб билан, лекин қатъий жавоб қайтарар эди. Вадасига доимо вафо қиларди, ҳеч қачон учрашувга кечикиб бормасди.



Мўъжиза, ҳикмат
Ҳорун ЯҲЁ

30

ЗАРРАГА БЕРКИТИЛГАН УЛКАН КУЧ



Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, Куёш ҳар сонияда ўз оғирлигидан тўрт милён тоннасини йўқотади. Утган вақт давомида Куёшнинг беш мингдан бир қисмини ташкил қилувчи тўрт юз миллиарднинг миллиардга кўпайтирилган миқдорича тонна модда сарф бўлган. Бу эса тахминан уч миллиард йил давомида беш килограммлик тошдан сарф бўлган қум зарраси миқдорига тенг.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон муслмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли,
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли тайёрлашди.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 27 майда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 1 июнда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8200 нусха. 172-сон буюртма. «КО'НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

*Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.*

ЖАМОАТ НАМОЗИ ҲУКМЛАРИ

монидан бир қадам орқада, яъни, оёқларининг учини имом оёқларининг товонларига баробар қилиб туради. Агар уч киши жамоат намозини ўқиса, улардан

Соғлом, балоғатга етган, ақлли эркакларга беш вақтдаги фарз намозларини жамоат билан ўқиш суннат билан собит бўлган вожибдир. Мунофиқларгина жамоатдан ўзини тортади. Жамоатга бормай, намозни доимо танҳо ўқийдиган кишининг гувоҳлиги шаръан қабул қилинмайди.

Жамоат намозида фарз намози бир кишига (имомга) эргашиб ўқилади. Имом олдинда, қолганлар унинг ортида саф тортиб ўқийдилар. Динимизда барча мусулмонларнинг илмли-маърифатли бўлишлари фарз бўлганидан, ҳар бир мусулмон имом бўлиши мумкин. Лекин бу шарафга ким ҳақлироқ? Бу масала қуйидигича ҳал этилган.

Имом

бўлишга ким ҳақлироқ?

Имом бўлишга биринчи ҳақдор намоз масалаларини пухта билган кишидир. Бу даражага етганлар кўпчилик бўлса, улардан қироат илмига моҳирроғи имомликка ўтади. Бу соҳада ҳам тенг бўлишса, тақвоси кучли бўлганлари имом бўлади. Бунда ҳам ўрталарида фарқ бўлмаса, ёши улуги имом бўлади.

Имомликка ҳақли одам турганида бошқанинг имом бўлиши макруҳдир. Жамоат ёқтирмаган кишининг имом бўлиши ҳам макруҳ. Аммо жамоат орасида имомликка ундан бошқа ҳақдор бўлмаса, макруҳ бўлмайди.

Тайаммум қилиш, маҳсига ё жароҳатга масҳ тортиш, шунингдек, ўтириб рукуъ ва сажда қилиш даражасидаги заифлик кишининг имомликка ҳақдорлигини кетказмайди.

Нафл намозни фарз намозни ўқиётган кишига иқтидо қилиб ўқиш мумкин. Ёш бола ҳеч бир намозда балоғатга етганларга имом бўлиши мумкин эмас.



Узрли киши ҳам узри йўқ одамларга имом бўла олмайди.

Имом

қандай ният қилади?

Танҳо намоз ўқувчи қандай ният қилса, имом ҳам шундай ният қилади. Қавмлар эса, жамоат намозида имомга эргашаётганини ҳам кўнгилдан ўтказишлари керак.

Имом

қандай қироат қилади?

Имом бомдоднинг фарз намозида, шом ва хуфтонда фарз намозларининг олдинги икки ракатида овоз чиқариб қироат қилади. Пешин ва аср намозида ичиди қироат қилади. Имом барча намозда биринчи ракатда иккинчи ракатга кўра узунроқ қироат қилади. Имомга иқтидо қилган киши қироат қилмайди.

Сафда

қандай туриш керак?

Жамоат намозида сафларнинг тўғри ва жипс бўлиши унда ҳозир бўлганлар ўртасида меҳрмуҳаббат ва дўстликни мустаҳкам қилади. Шунинг учун имом жамоат намозида ҳозир бўлганларни сафларни тўғри ва жипс тортишга буюриши керак.

Агар икки киши жамоат намозини ўқиса, бири имом бўлиб, иккинчиси унинг ўнг то-

имом бўлгани олдинга ўтади, қолган иккиси имом орқасида оёқларининг тўпиқларини бир чизикқа қилиб, зич туришади.

Сафнинг тўғрилиги оёқ тўпиқларининг бир чизикда туриши билан бўлади. Жамоат кўп бўлиб, бир неча саф тортилса, сафлар имом ортидан ўнг ва чапга тенг тўлдириб борилади. Келган одам олдинги сафда бўш жой бўлганида кейинги сафга турмаслиги керак. Ёш болалар катталардан сўнг саф тортидилар. Агар жамоатда биргина ёш бола бўлса, у катталар сафига қўшилади.

Жамоат

намозидан сўнг

Пешин, шом ва хуфтоннинг фарз намозларини ўқиб бўлгач, суннат намозини ўқишга тезда туриш суннатдир. Имом суннат намозларини фарз намозларини адо қилган жойидан ўнгга ё чапга ё ортага ўтиб ўқийди. Имом бомдод ва аср намозларини ўқиб бўлгач, агар кечикиб келиб, намоз ўқиётганлар бўлмаса, қавмга қараб ўтирган ҳолда дуо қилади. Намоз ўқиётганлар орқа сафларда бўлса ҳам, имомнинг тўғрисида турган бўлишса, уларга юзланиб дуо қилмайди.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Муҳаммад ЗАКАРИЁ КАНДЕҲЛАВИЙ

ҲИДОЯТ ЙЎЛЛАРИДАН БИРИ

Ибн Умардан (р.а.) ривоят қилинади. Расулulloҳ (с.а.в.): “Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража ортиқдир”, дедилар. (*Имом Молик, Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий*).

Бизлар арзимас дирҳамларга эга бўлиш учун қанча-қанча водийларни ошиб ўтиб, катта издиҳомларга шўнғиймиз. Аммо қўлга илиниши осон бўлган диний манфаатларга юзланмаймиз. Йигирма етти марта кўпаядиган ажр-савоб нафсларимизга оғир келади. Моддий машғулот ва тижоратларимиз намозни жамоат билан ўз вақтида адо этишдан тўсиб қўяди. Аммо Аллоҳ таоло амрларини улуғлаб, Унинг ваъдасига ишонган, савобига умидвор бўлган, ҳар бир қадамини ҳисоб-китоб қилган кишиларни бу вожибни адо этишдан ҳеч қандай узр тўса олмайди. Булар ҳақида оятда:

“Уларни на тижорат, на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан... машғул қила олмас”, деб айтилган (*Нур, 37*).

“Саҳобалар қиссаси” номли китобимда зикр қилганимдек Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобалари азонни эшитишганида Аллоҳни улуғлаб, намозга муштоқ бўлишар эди. Солим Ал-Ҳаддод (р.а.) тижоратчи эдилар. Ҳар гал азонни эшитганларида ранглари сарғайиб кетар эди. Шу заҳоти молларию дўконларини тарк қилиб, масжидга юзланарди.

Ибн Масъуд (р.а.) ривоят қиладилар: “Кимни эртага мусулмон ҳолида Аллоҳга йўлиқиш хурсанд қилса, (азон) чақирилган пайтдаги намозларини сақласин. Чунки Аллоҳ таоло Набийингиз учун ҳидоят йўлларини шарият қилди. Бу намозлар ана ўша ҳидоят йўлларидандир. Агар уйда қолиб намоз ўқийдиганлар каби сизлар ҳам уйингизда ўқисангиз, Набийингиз суннати тарк қилган бўласиз. Агар Набийингиз суннати тарк қилсангиз, залолатга кетурсиз. Қайси бир киши чиройли таҳорат олиб, масжидлардан бирортасига борса, Аллоҳ атола ҳар бир қадамига ҳасанот ёзиб, даражасини кўтарди ва хаёлларини ўчиради. Намозни фақат нифоқи маълум бўлган мунофиқларгина кеч қолдирадилар”.

Ривоятларда: “Албатта, Расулulloҳ (с.а.в.) бизга ҳидоят йўлларини ўргатдилар. Ана ўша ҳидоят йўлларидан бири азон айтиладиган масжидда ўқилган намоздир”, деб келади (*Имом Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа*).

Саҳобалар (р.а.) жамоатга жуда қаттиқ аҳамият беришарди. Ҳатто касал бўлишганида ҳам жа-

моат намозига интилишарди. Агар мажбур бўлиб қолишса, икки киши ёрдамида бўлса ҳам масжидга боришарди. Чунки улар Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳатто қаттиқ касал бўлганларида ҳам жамоатга шундай аҳамият берганларини кўришган.

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинади. Расулulloҳ (с.а.в.): “Мунофиққа энг оғир намоз хуфтон ва бомдод намозларидир. Агар сизлар (икковидаги савобни) билганларингизда эди, эмак-лаб бўлса ҳам, келар эдингиз”, дедилар (*“Тарғиб” китоби*).

Умар ибн Хаттобдан (р.а.) марфуъ бўлган ривоятда: «Кимки масжидда жамоат билан хуфтон намозининг бирор ракатини қолдирмасдан ўқиса, Аллоҳ ўша намози билан уни дўзахдан озод, деб ёзади», дейилган (*Ибн Можжа*).

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинади: Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки чиройли таҳорат олиб, сўнг масжидга борса-ю, у ерда одамларни намоз ўқиб турган ҳолда топса, Аллоҳ таоло унга намозга ўз вақтида ҳозир бўлганларнинг ажридек савоб беради. Уларнинг ажрларидан бирор нарса камайтирилмайди», дедилар (*Абу Довуд, Насоий, Ҳоким ривоятлари, Имом Муслимга кўра, саҳиҳ*).

Баъзи кишилар, масжидга бормасдан бир неча киши жамланиб, дўконми ёки бошқа бир макондами, жамоат бўлиб ўқилса бўлаверади, деб гумон қилишади. Бу нотўғри тушунча, хатонинг ўзгинасидир. Биринчидан, улар масжид савоби ва жамоатнинг кўплаб савобларидан маҳрум бўлишади. Чунки кўп жамоат оз жамоатдан кўра, Аллоҳга маҳбуброқдир. Бошқа томондан, биз Аллоҳнинг розилигини ва жамолини талаб қилиб намозга турадиган бўлсак, Унинг ҳузурда мақбул ва рози бўлинадиган йўл билан турмоғимиз зарур.

Саҳл ибн Саъд ас-Саъдийдан (р.а.) ривоят қилинади. “Расулulloҳ (с.а.в.) хурсандлик билан қоронғида масжидга борувчиларга Қиёмат кунида мукамал нур бўлишининг хабарини бердилар” (*Ибн Можжа, Ибн Ҳузайма, Ҳоким ривояти, икки Шайхга кўра саҳиҳ*).

Кечалари масжидга бориб кўрган баъзи қийинчилик ва машаққатларимиз нурдан бўлган кубба ва нур сочувчи қуёш (машъала)га айланиб қолади. Қиёмат зулумотида қаерга борсак, ўша нур ҳам бизга ҳамроҳ бўлади.

Арабчадан
Анвар АҲМАД
таржимаси

Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН АЛ-ХУМАЙЙИС

ЁШЛАРГА АҚОИД ДАРСЛАРИ

Таҳовий китобининг шарҳи

Тўртинчи дарс

18—19. Аллоҳ таоло махлуқларини яратмасидан олдин билиб, уларни ўлчов билан яратган.

20. Уларга бир ажал (вақт, муддат) ҳам белгилаган.

21. Уларни яратмасидан олдин ҳам ҳеч бир нарса Ундан яширин эмасди.

Шарҳ

Аллоҳ таоло яратганларини “Олим” сифати билан яратган.

“**Ахир** яратган Зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У Меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳдир” (Мулк, 14).

“**У Зот уларнинг олдиларидаги** (яъни, охиратидаги) ва ортларидаги (яъни, дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса, У Зотни била олмаслар” (Тоҳа, 110).

“**Осмонлар ва Ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик** (ёки) катта бирон нарса (Аллоҳ)дан махфий бўлмас — албатта Очиқ китобда (яъни, Лавҳул Маҳфузда у) мавжуд бўлур” (Сабаъ, 3).

Ҳеч бир нарса Ундан яширин қола олмайди, ҳеч бир нарса Унинг илмидан ташқари чиқа олмайди. Унинг илми куллий ва жузъий бўлган ҳар нарсани қамрагандир. Бу ҳақда Аллоҳ аzza ва жалла шундай марҳамат қилади:

“**Албатта, Биз ҳар бир нарсани** (аниқ) ўлчов билан яратдик” (Қамар, 49).

“**У... барча нарсани яратиб,** (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган Зотдир” (Фурқон, 2).

Яхшилик ва ёмонлик ҳар иккиси ҳам ўлчов биландир. Ҳар нарса бир қадар (ўлчов, чегара ва муддат) билан яратилган. Ҳар яратилган нарсанинг бир қадари бор. Аллоҳ яратганларини улар ошиб ўтолмайдиган бир замон ва макон ўлчови билан яратган:

“**Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга ортга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар**” (Аъроф, 34).

Аллоҳ тайин қилиб қўйган ажални ошиб ўта олган ва ё ундан кейин қола олган ҳеч бир нарса йўқдир.

Ҳа, Аллоҳ таоло коинотни яратмасидан илгари имон аҳлини, ширк ва куфр аҳлини, солиҳларни ва толиҳ (солиҳ бўлмаган)ларни билгани каби, ҳозир ҳам ҳар нарсани билади. Қайси кун, вақт ва қаерда уларнинг бошига нима келишини билади. Яратганларидан ҳеч бир нарса Ундан яширин қолмайди.

Хулоса

Аллоҳ илм сифати билан яратганларини аниқ бир ўлчов билан яратди. Яратганларининг амалларидан ҳеч бир нарса Ундан яширин қолмайди. У яратмасидан олдин ҳам яратадиганлари қиладиган ишларини билади.

Мавзуни яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган саволлар:


1. “Яратганларига бир қадар тайин этгандир” деганининг маъноси нима?
2. Аллоҳ таоло мукаллафлар (инсон ва жинларнинг) амалларини уларни яратмасидан олдин ҳам билармиди?



Аллоҳ бизларга турли маънавий ва моддий неъматлар ато этди. Ҳар бир инсон шу неъматлар қадр-қийматини англаши ва уларнинг қадрига етиши лозим. Инсон зоти тўрт мучасини соғ, ақл ва тафаккур эгаси қилиб яратилишида Аллоҳнинг марҳамати жамланган. Шунинг ўзи улуғ бир неъмат.

Расулulloҳ (с.а.в.) айтадиларки: «Бешта нарсдан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг».

Махтумқули бир шеърда Расулulloҳ (с.а.в.)



НЕГА НЕЪМАТЛАР ҚАДРИГА ЕТМАЙМИЗ?

айтган ушбу ҳикматларни назмий йўсинда қуйидагича ифода қилади:

*«Соғлиқнинг қадрини билгил
хаста бўлмасдан бурун,
Хасталик шукрини қилгил
токи ўлмасдан бурун,
Куруқ ер қадрини бил
дарё тошмасдан бурун,
Кемада хушёр ўтиргил
гирдобга келмасдан бурун,
Ёшлиқнинг қадрини бил,
то кексаймасдан бурун».*

Дарҳақиқат, кўзнинг қадри хиралашганида, қулоқнинг қадри оғирлашганида, оёқнинг қадри оғриқлари кучайиб, уюшиб-гандираклаб юрган пайтда билинади. Бу аъзоларга дард-оғриқлар яқинлашмаса, кўпинча қадрига етавермаймиз.

Бироқ Аллоҳ таоло теварак-атрофимизда айнан бизга берган неъматлари қадр-қийматига етишимиз учун турли-турли ибратларни кўрсатиб қўйди. Кўзи мутлақо кўрмайдиган ожизларни кўриб, кўзлари очиқ кимсалар нега шукрона этмайдилар? Қўлтиқ таёқда юрганларни кўрган соғлом оёқчилар нега бу неъматни тўкис қилиб берган Аллоҳга ҳамду сано айтмайдилар? Ўнг қўли ногирон кимсанинг чап қўли билан кўришаётганини кўриб, ҳар ким ўзининг соғлом қўлларига бир назар ташласин. Азиз биродар, бу ўринда айрим ожиз ва ногиронлар хусусида сўз юритилди, асло маломат учун эмас. Уларнинг охиратларини Аллоҳ обод айласин, бу дунё синовларига бардош берганлари учун жойларини жаннатда қилсин. Айтмоқчи бўлганларим, бу ибратлар дунёси, бу синовлар дунёси, бу сирлар дунёси, ҳар ишнинг ҳикматини Ўзи билгувчироқдир.

Вақтида қилинган ибодат, савоб амаллар, хайр-эхсонлар ақл неъматининг иши. Аммо ҳаётда маъ-

зур кўрилган, ибодатга чақирилмайдиган, охиратда ҳисоб бермайдиган ақли ожизлар бор. Уларни жинни, девона дейди кўпчилик. Қилиқлари, ҳаракатлари ғалати, баъзан кулгили бўлади. Бироқ улардан кулиш ўринли эмас. Оқиллар аввал уларга, сўнгра ўзларига бир назар солсинлар. Шундай кимсалардан бири ёзнинг иссиқ кунда қалин чопонга ўраниб олиб, тўлин ой балққан кечада ойга қараб, қўлларини танбур қилиб, тун бўйи ашула айтиб чиқди. Уни жойидан биров силжита олган эмас. Бундан кулиш, бунга маломат қилиш мумкинми? Йўқ, асло. Худо кўрсатмасин.

Ўз вақтида неъматлар қадр-қийматини англаш ўзликни англаш, ўринсиз исрофлардан тийилишдир. Кўпқаватли уйда тураимиз. Бир кун сув тўхтаб қолди. Бир чақиримча наридан пақирлаб сув ташидик бир неча кун. Чой учун, таҳорат учун сувни жуда тежаб-тергаб ишлатдик. Бир кун электр чироғи ўчиб қолди. Қоронғуда кўзларимиз шамга ўрганмади. Қулоқлар сукутга ўрганмаган. Зерикиб ухлаб қолдим.

Дарвоқе, неъматлар қадри хаёлимни эгаллаб олганининг бир сабаби бор. Бир кун жума ўқиш учун Хожа Аҳрор Валий масжидига борсам, Анвар ҳожининг ёқимли, ҳикматларга тўла маърузаси эшитилмайди. Ташқаридаги намозхонлар паришонҳол ўтиришибди. Тўғри, ичида тасбеҳ айтаётганлари ҳам бор. Аммо, сезишимча, мендан бошқа намозхонлар ҳам ҳар жума бўладиган мароқли мавъиза-суҳбатни соғиниб ўтиришди.

Бунинг ҳам ҳикмати бор экан-да, овоз кучайтиргичнинг бир жума ишламай қолгани туртки бўлиб, ушбу мулоҳазаларни ёздим.

Ҳарҳолда, неъматларнинг қадрига етишга шунақа қилиб ўрганаимиз, шекилли.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Сомали уламоларининг айблови



Сомали (Африқа) уламолари, мусулмон арбоблари Ғарб давлатларидан келган инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш гуруҳларини миссионерликда айблаб, баёнот беришди. Уларнинг айтишича, бундай гуруҳлар Сомалининг жанубий шаҳарларидан бири Мерки болаларига ҳада сифатида турли совғалар ва Инжил нусхаларини тарқатиб чиқишган. Айни пайтда, Швейтсариядан келган инсонпарварлик ёрдами гуруҳининг вакили Магда Фрей бу айбловни рад этди.

Сомалида етти милён аҳолининг кўп қисми мусулмонлардир. Мамлакатнинг жанубий туманларида иқтисодий танглик, моддий қийинчиликлар туфайли бир неча йилдан буён вазият беқарорлиги кузатилмоқда. Айни шу ҳолат ғарб миссионерларининг ботил ақидаларини оммавий тусда тарғиб этишларига бир туртки бўлаётир.

Reuters

Исломий санъат асарлари кўрғазмаси



моқдалар.

Кўрғазмага қўйилган асарларнинг аксарияти исломий хатготлик санъатининг ноёб намуналари, шунингдек, IX асрдан буён сақланиб келаётган қадим ашёлардир. Ойна, металл ва тошдан ишланган турли буюмлар,

Малайзиянинг Селангор ўлкаси султони Шарафуддин Идрис Шоҳ исломий санъат асарлари кўрғазмасини очди. Ушбу кўрғазма Малайзия Ислом музейи билан Британия музейи ҳамкорлигида ташкил этилди. Ҳозир бу ерга келганлар мазкур музейлардан олинган юздан зиёд қадимий асарни қизиқиб томоша қил-

тангалар ва энг ноёб қўлёзмалар ҳам кўрғазмадан ўрин олган.

ИНА

Туймен вилояти қозиётида

Туймен вилояти (Русия) қозиёти раҳбари Фотиҳ Гарифуллин маҳаллий ҳукуматнинг вилоятда “Очаково” пиво заводи қурилишини бошлаш ҳақидаги қарорини қоралаб баёнот берди. Баёнотда кейинги йиллари вилоятда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш анча кўпайгани ва шунга боғлиқ ҳолда жиноятчилик даражаси кескин ортгани айтилади. Ўтган йили вилоятда эллик мингта жиноятчилик юз бериб, қотиллик, зўрлаш, қароқчилик каби энг оғир жиноятларнинг ҳаммаси маст қилувчи ичимликлар ичиш натижасида содир этилган, деб таъкидлади қозиёт раҳбари.

Бозор шароитида жиноятчиликнинг кўпайиши табиий ҳолдек кўриниб қолди. Бунда гоҳ мелиса, гоҳ прокуратура, гоҳ бошқаларни айблашяпти. Аммо барча “ёмонликлар онаси” бўлган спиртли ичимликлар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Бу жиноятларга мастлик сабабида содир бўлаётган ёнғинлар, йўл ҳалокатлари, урчиётган турли хасталиклар ва бошқаларни ҳам қўшсак, жамиятга қандай улкан талофат етаётгани аён бўлади. Аммо спиртли ичкиликлар ишлаб чиқариш билан давлат хазинасини тўлдирмоқчи бўлган иқтисодчилар бунга эътиборга олишмайди. Ялпи ичкиликбозликлар ва камбағаллик соясида спиртли ичимликлар корхоналари ва уларнинг бошлиқлари кундан-кунга бойиб боришяпти. Аслида, уларнинг Русия ёшларини ҳалокатга бошлаётган “наркобаронлар”дан қандай фарқи бор? Йилга юз милён идишда спиртли ичимлик чиқарадиган Туймендаги “Очаково” пиво заводи ёшлар соғлиги ва келажагига қаттиқ зарба бўлади, деб таъкидлади Фотиҳ Гарифуллин.

Islam ru.

Швейтсарияда мусулмонлар анжумани

Швейтсарияда ўтган мусулмон аёллар анжуманига беш юз нафардан ортиқ хотин-қиз тўпланишди. Анжуманда турли халқ вакиллари бўлган аёллар оила, меҳр-оқибат

каби қатор мавзуларда мавъизалар тинглашди. Улар орасида Ислом динини яқинда қабул қилганлари кўп эди. Ёш болали хотинларга алоҳида зал ажратиб берилди.

Austin muslims

Дубайда анжуман бўлди

25-27 апрел кунлари Дубайдаги Умумжаҳон савдо марказида мусулмон мамлакатлари йирик шаҳарлари ва пойтахтларини бирлаштирувчи Уюшма конференсаси бўлиб ўтди. Анжумандан кўзланган мақсад йирик мусулмон шаҳар ва пойтахтларининг кейинги тараққиёти ва юксалишига ёрдам берувчи режа ва дастурларни ишлаб чиқиш эди. Йиғилишда, шунингдек, турли шаҳар ва пойтахтлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тарихий ва маданий обидаларни муҳофазалаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Анжуманда бир юз олтимиш бир шаҳар, шунингдек, турли исломий ташкилотлар вакиллари қатнашишди. Анжуман доирасида турли мусулмон шаҳарларнинг меъморий санъати ижтимоий ва маданий ҳаётини акс эттирувчи кўргазма ҳам ташкил этилди.

ИНА

Давлат Думасида янги бирлашма



Русия Давлат Думасида турли фраксиялар депутатларининг “Русия ва Ислом олами: истиқболга оид суҳбатлар” номли бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашмани тузишда “Родина” фраксияси депутатлари ташаббускор бўлишди. Бирлашмага турли фраксиялардан олтимиш киши ёзилди. Шу муносабат билан яқинда матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда бирлашма мувофиқлаштирувчиси Шомил Султонов нафақат бошқа мамлакатларнинг расмий ҳукуматлари, балки барча қизиқувчилар, жамиятлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, у “таъсири катта баъзи кучлар Ислом ва Русия ўртасига адоват солишга уринишмоқда”, деб бундай сиё-


сатга қарши туриш бугунги энг муҳим вазифалардан бири эканини айтди. Депутатлар Эрон ва Туркияни Русиянинг Ислом оламидаги асосий ҳамкорлари деб таъкидлашди.

Русия билан Ислом олами ва халқаро мусулмон ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалалари бўйича қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини, депутатлар сўровларини тайёрлаш ҳам янги бирлашманинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, бирлашма Русия ва Ислом олами муносабатлари истиқболга, хавфсизлик, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик муаммоларига бағишлаб, ўрис ва мусулмон мутахассислар иштирокида анжуманлар, маърузалар, давра суҳбатлари ўтказишни ҳам режалаштирган.

Islam.ru

Франсада имомлар этишмаётир



Франса ички ишлар вазирини Доминик де Вилпен мамлакат инсон ҳуқуқлари ва республика тузумини ҳурмат қилувчи диний мутахассислар — имомларга жуда муҳтож эканини маълум қилди. Вазирнинг айтишича, Франса мамлакати ҳозир “имомлар тайёрлаш муаммосига дуч келган”.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, Франсада мусулмонлар жамоаси беш милён кишидан ошади. Бу Оврупада энг катта исломий жамоа ҳисобланади. Мамлакатдаги масжидларда бир ярим мингга яқин имом хизмат қилса, бор-йўғи ўн фоизигина Франса фуқароларидир. Уларнинг салкам ярми франсузча гаплаша олади, холос.

Страсбург шаҳридаги масжид имоми, Франса мусулмонлари Миллий кенгаши ўтказётган таълим дастури иштирокчиси Абдулла Боуссоф айтади: “Бугун Франсада ишлаётган имомларнинг аксарияти Ислом асосларини мустақил ўрганган, жиддий таълим кўрмаган кишилардир”. Унинг фикрича, исломий билимларни, айна чоқда, ижтимоий фанларни ҳам пухта ўзлаштирган имомларни тайёрлаш йўли билангина вазиятни ўнглаш мумкин. Бундай йўл тутиш замонавий ғарб давлати билан муросада аҳил-иноқ яшаш ва фаолият юритиш имкониятини яратади.

С Ў Н Г Г И СЎЗ

Биринчи воқеа. Қўшни бола ҳовлиқиб чиқиб, бобосининг аҳволи оғирлашганини, уйда ҳеч ким йўқлигини айтди. Ортидан югурдим. Кирсам, тўқсонга яқинлашиб қолган Қурбон ота кўзини шифтга қадаб, хириллаб оғир нафас олиб ётибди. У кўпдан буён бемор: бир қўл-оёғи шол, қон босими баланд, юраги хаста эди. “Дўхтир чақирайми?” деб сўрадим. У соғ қўлини мажолсиз силтади. Беморнинг ранги ҳар қачонгидан оқарган, кўзларидан нур кетган. Аҳволни тушуниб, аста имон калималарини айта бошладим. У эса парво қилмай, ютоқиб нафас олар, орада тинмай “бемехр”, “ноқобил” ўғилларини қаргаб сўкинар эди.

Қурбон отанинг бадфеъллиги, тошбағирлиги, оғзи шалоқлиги туфайли фарзандларнинг кириб-

чиқиши камайгани тўғри. Умр бўйи гоҳ мол бозорида даллол, гоҳ қассобчилик қилган Қурбон ота қариганида ҳам ўнганмади. Пешонаси сажда кўрмади. Аллоҳни фақат бошига мушкулот тушганида эслади. Ҳозир ҳам кўз ўнгимда жон таслим қиларкан, оғзидан чиққан охириги сўзи “кўрнамаклар, аблаҳлар” бўлди...

Иккинчи воқеа. Шаҳар кўчаларидан бирида автомобил фалокати рўй берди. Ёшгина ҳайдовчи йигит бирор нарсага чалғиб қолганми ёки машинани бошқаролмай қолганми, йўл четдаги бетон устунга бориб урилибди. Йўловчилар дарров ёрдамга шошилишди. Қисиб қолган рул орасидан бемажол танани аранг суғуриб олишди. Нималардир деб пичирлаётган ҳайдовчини ерга ётқизишлари билан жони узилди. Унинг сўнги сўзи магнитафондан берилаётган ашуланинг “Қайлардасан, санамгинам?” деган жумлалари бўлди...

Бу дунёда барчамиз меҳмонмиз. Ҳаммамиз бир куни бу оламдан кўчамиз. Ҳеч кимга: “Сен фалон куни, фалон ҳолатда ўласан”, деб ҳужжат берилмаган. Ҳеч ким бошқа оламга қандай кетишини олдиндан билмайди. Шундай экан, ўлим соати яқинлашганида тилларимиз “**Ла илаҳа иллаллоҳ**” калимасини айтиб турмоғи учун бу дунёда Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлмоғимиз лозим. Акс ҳолда, умримиз юқоридаги воқеалар каби ёмон хотималаниб қолиши мумкин, Аллоҳ сақласин. Қуръони каримда Аллоҳ таоло:

“Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени инкор этмангиз” (Бақара, 152), дея амр этган.

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинишича, Расулulloҳ (с.а.в.): “Ўлим фариштаси ўлаётган кишининг олдида ҳозир бўлиб, унинг қалбига назар солади. Қалбидан ҳеч нарса топмайди. Сўнгра унинг иккала жағини очиб, тилининг “**Ла илаҳа иллаллоҳ**” деган ҳолда танглайига ёпишиб қолганини кўради. Ихлос калимаси туфайли бу банд мағфират қилинади”, деганлар (*Байҳақий ривояти*).

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.): “Ўлими яқинлашган кишиларингиздан огоҳ бўлиб турунг, уларга Аллоҳни зикр қилинг. Чунки улар сиз кўрмаётган нарсаларни кўришади. “**Ла илаҳа иллаллоҳ**”ни уларга такрорланг”, деганлар.

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом), асҳоби киром (розийаллоҳу анҳум) ва солиҳ салафларимизнинг тиллари ҳамиша Аллоҳнинг зикри билан банд бўлган. Шунинг учун ҳам у зотларнинг ўлим олдида айтган охириги сўзлари Аллоҳга илтижо, тазарру, ҳамд-шукрона бўлди.

Сарвари Коинот (с.а.в.) ўлим олдидаги сўнги нафасларида: “Ал-Рафиқ ул-аъло” (Энг олий



Рафиқим Аллоҳ) дедилар, сўнгра “намоз, намоз” дея умматни ибодатга чақириб, жонни Рафиқ ул-аълога топширдилар.

Биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқнинг (р.а.) охирги сўзлари “Мутлақ куч ва қудрат Ўзинггина хосдир, Аллоҳим!” бўлди.

Ҳазрати Усмон ибн Аффоннинг (р.а.) жончиқар пайтдаги сўзларига эътибор қилинг: “Каъбанинг Парвардигорига қасамки, булар менинг шаҳидлигимга гувоҳдир!”

Муҳаммад ибн Алидан ривоят қилинишича, жонларига хаворижлар қасд қилганидан кейин Ҳазрати Али (к.в.) охирги нафасларигача “**Ла илаҳа иллаллоҳ**”дан ўзга сўзни тилга олмадилар.

Халифа Муовия ибн Абу Суфён ўлим онларида: “Кошкийди оддий қурайшлик кишилардан бўлиб қолсам, кошки бу вазифада ишламасам эди”, деб ўз мансаб-мавқеларидан изтироб чекканлар.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ўлим ониди: “Аллоҳим, дийдорингни Умарга хайрли қил! **Ла илаҳа иллаллоҳ**”, деб туриб жон таслим қилганлар.

Улуғларнинг сўнги дамдаги сўнги каломлари фақат Аллоҳнинг зикри, тавҳид калимаси бўлган. Хотималари, оқибатлари шундай бўлиши учун умр бўйи тайёргарлик кўришган. Ҳар қадамда, ҳар бир ҳолатда — ётганда ва турганда, юрганда ва ўтирганда ҳам тилларидан таҳлил, такбир тушмаган. Чунки умрлари поёнидаги охирги сўз жаннат боғларига бир очқич, Аллоҳ ҳузурдаги савол-жавобларида жонга ора кирувчи бир ҳужжат бўлишини яхши англашган.

Бизлар-чи?!

Бизлар ғафлатдамиз. Кун бўйи бекор ўтирамиз, зерикамиз, эснаймиз, мудраймиз. Қанча-қанча вақтларимизни тилвузур қаршисида ёки мусиқа тинглаб, маза-матрасиз баҳс ва гурунларда, томошахоналарда, шахмат-нарда тахталари устида совуриб юборамиз. Қанчалаб қимматли соатларимиз беҳуда амаллар, кимнидир-ниманидир кутишлар, номаъқул юмушларга қурбон бўлиб кетади. Аммо Аллоҳни эшлашга, Унинг зикрини қилишга, Унга ҳамд-шукрона айтишга тилларимиз эринади. Охиратга тайёргарлик қилмаймиз, баҳоналар қидирамиз, шайтоний васвасага учамиз, вақтнинг зиклиги, соғлиқнинг ёмонлиги, тоқатнинг етмаётганидан зорланамиз. Ваҳоланки, оқибат жуда ёмон ва аянчли — сўнги сўзларимиз фисқ-фужур, ширкона калом, баъзан эса шайтоний нағма бўлиб қолиши мумкин. Аллоҳ асрасин!

Шунинг учун тилларимизни кўпроқ Аллоҳнинг зикрига ўргатайлик! Қалбларимизга тасбиҳ (“Субҳаналлоҳ”), таҳмид (“Алҳамдулиллаҳ”), таҳлил (“**Ла илаҳа иллаллоҳ**”), такбир (“Аллоҳу акбар”)ни кўпроқ муҳрлайлик! Маккаи муқаррамага ва Мадинаи мунавварага борадиган

йўлларнинг икки четига “Зикр эт”: “Субҳаналлоҳ”, “Алҳамдулиллаҳ”, “Аллоҳу акбар” калималари ёзилган тахталар бежиз ўрнатилмаган. Кўплаб мусулмон мамалакатларининг радио-телевиденаси ана шу зикрларни ҳар кўрсатув-эшитириш оралиғида бекорга эслашиб турмайди. Фаҳри Коинот (с.а.в.) бекорга умматларини зикруллоҳни кўпайтиришга чақирмаганлар.

Абу Саъид ал-Худрий ва Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинади. Расулulloҳ (с.а.в.): “Бир қавм ўтириб Аллоҳни зикр қилса, уларни малоикалар ўраб олади ва раҳмат қоплайди. Усларига хотиржамлик туширади. Аллоҳ уларни Ўзининг ҳузурдагилар билан эслайди”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Мусо ал-Ашъарийдан ривоят қилинади. Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деганлар: “Аллоҳни зикр қиладиган киши билан зикр қилмайдиган кишининг мисоли худди тирик билан ўликнинг мисоли кабидир” (*Имом Бухорий ривояти*).

“Вақт тополмаяпман ёки тоқатим етмайди”, деган баҳоналар билан умримизнинг энг яхши дамларини ғафлатда ўтказмайлик! Аллоҳ ҳузурда қандай савоб-мукофотлар кутаётганини билганимизда бирор нафасни зикрсиз олиб, зикрсиз чиқармасдик. Бунга Жаноби Расулulloҳдан (с.а.в.) ривоят қилинган ўнлаб ҳадиси шарифлар далил бўлиб турибди.

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: “Зикрларнинг афзали **“Ла илаҳа иллаллоҳ”**-дир (*Имом Термизий ва Ибн Можжа ривояти*).

Самура ибн Жундубдан (р.а.) ривоят қилинади. Расулulloҳ (с.а.в.): “Сўзларнинг Аллоҳ таолога энг яхшиси тўрттадир: “Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”. Уларнинг қайси биридан бошласанг, зарари йўқ”, деб айтдилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Зарр (р.а.) ривоят қилади: “Расулulloҳ (с.а.в.) менга: “Аллоҳ таолога энг маҳбуб бўлган сўзни айттайми? Аллоҳ таоло учун сўзларнинг энг яхшиси “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи”, деб айтишингдир”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Яна шу зотдан ривоят қилинади. Расулulloҳ (с.а.в.): “Сизларнинг ҳар битта аъзоингизга садақа вожибдир. Ҳар бир тасбеҳингиз садақа, ҳар бир таҳмидингиз садақа, ҳар бир таҳлилингиз садақа, ҳар бир такбирингиз садақа, яхшиликка буюришингиз садақа, ёмонликдан қайтаришингиз садақа”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Энди Аллоҳни эшлашга киришарсиз? Умрингиз Аллоҳ зикри билан хотималанишини истарсиз? Сўнги каломингиз **“Ла илаҳа иллаллоҳ”** бўлиши учун бугундан ҳаракатни бошларсиз?

Аҳмад АҲСИКАТИЙ

Холид МУҲАММАД ХОЛИД



Қуръон нозил бўла бошлаганидан то бугунгача ҳар ўн мусулмондан камида етти нафари Ҳазрати Билолни билади. Яъни, замонлару авлодлар оша юзмилёнлаб инсонлар уни танийдилар. Сиз ҳали бошланғич таълим босқичларидан ҳатламаган болакайдан ҳам, ер юзининг исталган бурчагида яшаётган мусулмон фарзандларидан ҳам: “Билол ким, эй болам?” деб сўрасангиз, у ҳеч иккиланмай: “Билол Расулulloҳнинг (с.а.в.) муаззинлари, хожаси диндан қайтариш учун устига оғир ҳарсанг кўйиб азоблаганида ҳам “Аҳад, Аҳад” (Аллоҳ яккадир) деган саҳоба” деб жавоб қилади.

Ислому Ҳазрати Билолга берган бундай шарафни кўриб айтамикки, у Ислому келмасидан аввал бир ҳовуч ҳурмо эвазига хожасининг туяларини боқиб юрган қул эди. Агар Ислому бўлмаганида унинг пешонасидан ўла-ўлгунича қуллик тамғаси кетмас, башар издиҳомида оёқости бўлар, номи йўқлик қаърида беному нишон унутилиб кетар эди. Лекин рост имони, инонган буюк дини унга ҳаётда ва тарихда Ислому улуглари ва валийлари аро олий мақом ва юксак рутба ато этди!

Олийнасабу, обрўли, нуфузли ва мол-дунё соҳиби бўлган аксар одамлар ҳабаший қул Билол каби азизлик ва мартабани қўлга кирита олмаган. Тани қоралиги, ҳасабу ва насабда ночорлиги уни ростлиги, имони, покизалиги, фидойилиги эриштирган юксак мақомидан маҳрум қилолмади.

* * *

Умаййа ибн Халаф алам ва ғазабдан қутуриб, кўкрагига муштлар ва тинмай қичқираб эди:

ҲАММАНИ ЙИҒЛАТГАН АЗОН

Ҳазрати Умар (р.а.) Ҳазрати Абу Бакрни (р.а.) эслаганида шундай дер эди: “Абу Бакр саййидимиз ва саййидимизни озод қилган кишидир”. Бунда у Билол Ҳабашийни (р.а.) назарда тутган. Ҳазрати Умар (р.а.) “саййидимиз” деб атаган бу киши улуг ва азиз инсонлардан эди...

Аммо қоп-қора, озғин, бўйдор, қуюқ сочли ва туксиз юзли бу киши бундай мақтовларни бош эгиб ва кўзларини юмган кўйи тинглар ва шундай дер эди: “Асли мен ҳабашийман, кечагина қул бўлганман!”

Кечагина қул бўлган бу ҳабаший асли ким эди?

У Ислому муаззини ва бут-санамларни безовта этувчи Билол ибн Рабоҳ (р.а.) эди. У имон ва ростлик мўъжизаларидан бири эди. У буюк Исломининг ёрқин сиймоларидан эди.

— “Қандай фалокат сени бизга йўлиқтирди, эй бахтиқора қул?! Лот ва Уззога қасамки, сени қул ва хожа муносабатларида зарбулмасалга айлантириб юбораман!

Билол мўмин имони, валий буюклиги билан жавоб қиларди:

— “Аҳад... Аҳад!”

Ҳакамликни бўйнига олган яна бир киши бу савдога аралашиб, шундай дерди:

— Эй Умаййа, уни ўз ҳолига қўй! Лотга қасамки, бундан кейин у сени қийнамайди. Билол биздан, онаси жориямиз бўлган. Энди у ортиқ ўз Исломи билан бизларни Қурайшга гап-сўз ва масхара мавзуи қилмайди!

Билол каззоб ва маккор юзларга қарайди ва табассум қилганида олд тишлари тонг ёғдусидай

ярқирайди. Уларни даҳшатдан қалтирашга мажбурлайдиган ажаб сокинлик билан:

— Аҳад... Аҳад..., — дейди.

Тонг отади, туш яқинлашади. Билолни жазирама иссиққа етаклашади. У эса ҳамон сабрли, тоқатли, матонатли, саботли!

Уни азоблаётган пайтда Абу Бакр Сиддиқ уларнинг олдига келади ва:

— Раббим Аллоҳ! деган кишини ўлдирасизларми? — дея қичқиради. Сўнг Умаййага юзланиб, дейди:

— Нархидан ошиғига сот-да, уни озод қил!

Бу гап гўеки чўкаётган Умаййага нажот қайиғини топгандай таъсир қилди. Абу Бакр озодлик нархини сўраганида кўнгли хуш бўлиб, севинди. Чунки у қулни бўйсундира олишдан батамом умидини узган, бу такаббур хожа “қийналиб” кетган эди. Бунинг устига, Умаййа савдогар бўлиб, қулни сотиш уни ўлдиришдан фойдалироқ эканини яхши биларди.

Қулни Абу Бакрга сотишди. У эса зудлик билан Билолни озод қилди. У ҳур кишилар орасидан ўрнини эгаллади. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Билолнинг қўлтиғидан олиб, эркинлик сари етаклаётган пайтда Умаййа унга:

— Ол уни, Лот ва Уззога қасамки, агар уни бир дирҳамга оламан деганингда ҳам сотиб юборган бўлардим, — деди.

Унинг сўзларида умидсизлик аламию кўнгли совийш аччиғи бор эди. Абу Бакр жавоб беришни маъқул кўрмади. Айни чоқда хожанинг кинояли сўзларида биродар бўлиб қолган бу азиз инсоннинг иззат-нафсига тегиш, таҳқирлаш оҳанглари ҳам бор эди. Шу боис Умаййага жавобан:

— Аллоҳга қасамки, уни юз дирҳамга сотганингда ҳам, тўлардим, — деди.

У биродарининг озодликка чиққанини айтиш учун Расулulloҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига йўл олди. Бу воқеа катта байрамга айланди.

* * *

Расулulloҳ (с.а.в.) ва мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилиб, у ерда қарор топганларидан кейин Пайғамбар (с.а.в.) намоз учун азонни машруъ қилдилар. Ҳар куни беш маҳал намоз учун ким азон айтади? Уфқ узра кимнинг такбир ва таҳлиллари янграйди? Бу бахтли инсон Билол бўлди! Ўн уч йил олдин азоб-қийноқлар таҳдид қилгани ва вужудини куйдиргани ҳолда “Аллоҳу Аҳад... Аҳад...” дея такрорлаган Билол!

Расулulloҳнинг (с.а.в.) Ислом илк муаззинини танлашдаги ихтиёрлари Билолда тўхтади. У қалбларни имонга, қулоқларни даҳшатга тўлдирган кучли, ўткир ва ғамгин овози билан нидо қиларди:

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!

Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ!

Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ!

Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулulloҳ!

Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулulloҳ!

Ҳаййа ʻалас-солат, ҳаййа ʻалас-солат!

Ҳаййа ʻалал-фалаҳ, ҳаййа ʻалал-фалаҳ!

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,

Ла илаҳа иллаллоҳ!

* * *

Мусулмонлар билан Қурайш қўшини ўртасида аёвсиз жанг бошланди. Ҳарб шиддатли, шафқатсиз ва ваҳшиёна давом этарди. Мусулмонлар биринчи бор киришган уруш — Бадр ғазотида, Пайғамбар (с.а.в.) шиори “Аҳад... Аҳад” бўлишини буюрган маъракада Билол от ўйнатиб жанг қиларди. Мана шу ғазотда Қурайш энг қадрли одамларини жангга ташлаган, қавмнинг барча ашрофлари уруш майдонига чиққан эди.

Билолга хожа бўлган, уни ваҳшийларча азоблаган Умаййа ибн Халаф бу урушда қатнашмоқчи эмасди. Агар дўсти Уқба ибн Абу Муойт унинг кўрқоқлиги ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб, қўлида бир неча тош кўтариб келмаганида, бу фикрида қатъий турган бўларди. Уқба унинг олдида келганида Умаййа қавми билан ўтирарди. Уқба қўлидаги тошларни унинг олдида ташлаб:

— “Эй Абу Али, мана бу тошлар билан кетингни артиб ол, сен ҳам ожиза экансан!” — деди. Умаййа эса унга:

— Тангри сени ва келтирган нарсангни эзгуликдан йироқ қилсин”, — деди. Сўнг урушга чиқишдан бошқа иложи қолмай жангчилар сафига қўшилди.

Қадарнинг қандайин сир-асрорлари бор-а! Уқба ибн Абу Муойт дўсти Умаййани Билол ва у каби ожиз мусулмонларни азоблашга энг кўп гижгизлаган киши эди. Бугун эса, ҳалокати кутиб турган Бадр ғазотига чиқишга ҳам Уқбанинг ўзи ундаяпти. Уқбанинг ўзи ҳам Бадрда ўлим топишига нима дейсиз? Агар дўсти кинояли таъна-маломатлар қилмаганида Умаййа бу ҳарбда қатнашишдан ўзини тийганлар қаторида бўларди.

Лекин Аллоҳ амрини охирига етказувчидир. Умаййани урушга чиқарди. Ахир, у билан Аллоҳ бандаларидан бирининг эски ҳисоб-китоби бор. Масалани бир ёқли қилиш онлари яқин эди. Даййон (ҳисоб-китоб қилувчи — Аллоҳ) ўлмайди. Қилмишинга яраша албатта жазоингни оласан!

(Давоми 18-бетда)

Муомала одоби

Одамлар билан муомала қилишда ширинсўз, мулойим, босиқ, ҳалим, камтар бўлиш зарур.

Ғазаб келганида, жаҳл чиққанида ғазабни ичга ютиб, уни билдирмаслик тақво белгисидир.

Кичикни иззат, каттани ҳурмат қилиш хушхулқиликнинг бир ўриниши.

Муомалада мулойимлик ва вазминлик Аллоҳ ва Пайғамбаримизга ҳам сеvimли хислатлардан.

айб қидирмайди, бировдан хато содир бўлса, яхшиликка йўяди, гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилади, муҳтожларнинг ҳожатини чиқаради, ўзининг айбини тан олади, эл ғамини ейди.

Одамларнинг хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андуҳидан қайғуриш, мол-мулкка хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтаришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Муомала чоғида ўзгаларни ғийбат қилиш, ҳасадгўйлик,

одобсизлик бўлади. Балки ўтирганлар сурилиб, унга жой беришлари керак.

Мажлисида чўккалаб, бунга илож бўлмаса, чордона қуриб ўтирилади, оёқни узатиб, тиззани бошқанинг тиззасига қўйиб, мутакаббирона ҳолатларда ўтириш одобга зид.

Агар бир киши зарурат юзасидан маълум муддатга мажлисдан чиқиб кетса, қайтиб келгач, яна ўз жойига ўтиришга ҳақлидир.

Мажлис мутасаддиси зийраклик ва фаросат кўрсатиб, ҳар

ЯРАШИҚЛИ ХИСЛАТЛАР

Одамлар билан хушмуомалада бўлиш зарур, уларга қаттиққўллик қилиб, беҳаёларча сўзлашдан динимиз қайтаради.

Ювош, мулойим, яхши муомалали, муроса қиладиган одамлар мусулмонларнинг афзалларидир.

Мусулмон киши муомалада камтар, қалби пок, беҳуда гапдан ўзини тиядиган бўлиши керак.

Мўминларнинг энг афзали — оила аъзоларига, бола-чақасига, ҳамкасбларига чиройли муомала қиладиганидир. Қовоқ уйуб, зарда билан, кесатиқ, киноя йўсинида гаплашиш Парвардигорнинг ғазабини келтиради.

Ваъдага вафо қилмаслик, ёлғон сўзлаш ва ёлғон гувоҳлик бериш, бўҳтон уюштириш, чақимчилик қилиш, қасамхўрлик энг ёмон иллатлардир.

Чинакам мўмин киши нафсини жиловлай олади, ўзгандан

суҳбатдошини камситиб, камчилигини юзига солиш, менсимай, паст назар билан қараш, кийими ёки мавқе-мансабига қараб муомала қилишлар ҳам одобсизликдир.

Устозлар, ёши улуг ва илм аҳллари билан муомалада уларнинг кўзига қарамай, гапларини жим тинглаш, саволларига гина жавоб бериш, буйруқларини сўзсиз бажариш, хизматларига ҳамиша шай туриш ҳам мусулмон кишига ярашиқли одоблардандир.

Мажлис одоби

Илмий ва диний суҳбатлар, тўй каби дунё ва охирага фойдали анжуманлар «мажлис» дейилади. Мажлисга покланиб, яхши ният, тоза либос билан бориш лозим.

Мажлисга кечикиб келган киши ўтирган кишини ўрнидан турғизиб, жойига ўтириши

бир келган кишининг кўнглини топиб, ўзига яраша муомала қилиши лозим.

Мажлисга бирор бой ёки мансабдор шахс келганида ўридан туриб кутиб олинмайди, ҳаммага бирдай илтифот кўрсатилади.

Агар бирор киши мажлисга кириб, “менга ҳам жой беринглар” деса, дарров жой кўрсатиб, кутиб олинади.

Мажлисларда албатта амри маъруф ва наҳйи мункар бўлиши керак.

Мажлисга салом бериб киради ва кўрсатилган жойга ўтирилади. Иложи бўлса, ўтирганлар билан қўл ушлашиб сўрашилади. Имкони бўлмаса, барча билан ҳол-аҳвол сўрашилади.

Мажлисни олим ёки фозил киши, адолатли ҳоким ёки қози бошқаради. Унинг изнисиз мажлисда сўз айтиш, бошқаларни оғзига қаратишга уриниш, қат-

тиқ овозда кулиш, ёнидагилар билан гаплашиб ўтириш одоб-сизликдир.

Мажлисада эсналмайди, келган акса оҳиста енг ичига ёки рўмолчага урилади.

Сўхбатда мутасадди ёки ёши улуғ киши сўрамагунича гапирмаслик лозим. Сўз берилса, овозни баландлатмай, ўнгу сўлга қарамай, ғаразли, кинояли сўзлар айтмай, ўйлаб, мулоҳаза билан гапириш зарур.

Мажлис улуғлари айтган панд-насихат, ваъзлар жон-дил билан қабул қилинади. Мажлисида пинакка кетилмайди ёки лоқайд ҳолда ўринсиз сукут қилинмайди.

Ўзини ўзгалардан яхши кўрсатишга тиришилмайди, имкониятлари мажлис аҳлидан яширин тугилади.

Сўзловчиларнинг сўзи бўлинмайди, танбеҳ берилмайди, ҳамсўхбатларга хушомад, кўп мазах ва мутойиба қилинмайди, аммо рост, фойдали сўзлар билан ҳазил қилиб кулдирса, зарари йўқ.

Мажлисида икки киши бир-бирининг қулоғига шивирлаб пинҳона сўзлашмайди, яна мажлис аҳлининг баъзилари билиб, бошқалари билмайдиган тилда гаплашилмайди, бу ҳолат макруҳдир.

Таом келтирилса, улуғлар унга қўл узатгунча мажлис аҳли кутиб туради. Улуғ киши эса бошқаларни мунтазир қилмай, таомга тезроқ қўл узатади.

Хонадон ҳаққига дуо қилиб, салом бериб мажлис тарк этилади.

Умида АЗИМБОВЕВА
тайёрлади.

Эркин МАЛИК

Дуо олган келин

Қайнона анчадан бери бемор ётарди. Келинлари уни оқ ювиб, оқ тарашар, айниқса ўртанчаси айрича меҳрибонликлар кўрсатар эди. Олдида узоқ қолади, кўнглида нималар кечаётганини дарров уқиб, ўша нарсани муҳайё қилади. Самимий, дил-дилдан гаплашиб ўтиради. Дардни бирга тортаётгандек ич-ичидан куяди.

“Тавба, мен бор-йўғи қайнонаман-ку, вақти келса, ўзининг қизингга малол келиб қоласан, бу барака топкур бўлса жонини беришга тайёр-а, шунақасиям бўларкан-да. Илоҳо, ўғлим билан кўша қарисин, мендан қайтмаса, Худодан қайтсин”, деб дуо қилди бир куни қайнона. Худодан қайтсин деди-ю, ўйланиб қолди: ахир, ўзиям... кўзи очиқлигида... миннатдорлигини билдириб қўй-са нима қилади. Саломга яраша алик ҳам савоб бўларди. Кўнглига бир ўй келди, “шундай қиламан”, дегандек, жилмайиб қўйди. Аммо бу табасум тезда тараддудга айланди. Узатилган тўнғич қизини кута бошлади. Қизиям катта рўзғорга бека, ўзидан ортолмайди, келсаям, тезроқ кетақолай деб туради.

Ниҳоят, фурсати келди. Хонада она, қиз, келин учовлари жам бўлиб қолишганида она аста гап бошлади:

— Қизим...

— Лаббай, ойижон.

— Мановини сенга бераман дедим-а, — дея бармоғидан тушиб кетай деб турган узукка ишора қилди она.

— Ҳа, шундай деган эдингиз,

— дея қиз онанинг пинжига суқилди.

— Шу десанг... қароримни ўзгартирмоқчиман.

— Нима, синглимга бермоқчимисиз, у шундоғам кўп нарсангизни шилволди-ку.

— Йўқ, манови келинимга бермоқчиман.

— Ҳа, бунгами, бу келинингизга гап йўқ. Лекин узукни менга беринг, ойи. Келинингизни эса, яхшилаб дуо қилиб қўясиз, — деб кулди қиз. Она келинига қаради. Келини нимагадир хурсанд эди, юз-кўзлари куларди.

— Миннатдорман ойижон, шундай миннатдорманки... — дея қайнонасининг оёқларини уқалашга тушди келин. — Келишдик бўлмаса, мени дуо қилинг, узук опамга қолсин.

...Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Сал кунда она ҳам оламдан ўтди. Ўғил-қизлар ўз тирикчилиги билан бўлиб кетди. Дуо олган келин эр-хотин — қўш хўкиз, деганларидек, чала ётган уйларини битириб, қариндошларни уй тўйига айтди. Опа укасининг данғиллама ҳовлисига кириб, оғзи очилиб қолди.

— Ўҳ-ҳў... буюрсин, буюрсин, — деди укаси билан келинига қараб, — бизларни ярим йўлда қолдириб кетибсизлар-ку... Худо бериб қоптида-а... ё эт-беттан хазина топиб олдиларингми?

Келин шод-хуррамлик билан деди:

— Эсингиздами, опа, ойим раҳматли ҳаёт эдилар... Сиз ўшанда узукни танладингиз, менга дуо насиб этди. Булар ўша дунонинг ижобати, опажон...

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ



Майдони: 796,1 минг кв.км.
Аҳолиси: 145 милён киши (2001).
Пойтахти: Исломобод шаҳри.
Тузуми: Ислом Республикаси.
Давлат бошлиғи: Президент.
Пул бирлиги: Покистон рупийи.
Йирик шаҳарлари: Қарочи, Лахор, Файсалобод, Равалпинди, Хайдаробод, Мўлтон.



Покистон Жанубий Осиёда жойлашган. У шимол-ғарбда Афғонистон, шимолда Хитой, шарқда Ҳиндистон, ғарбда Эрон билан чегарадош. Жанубда эса уни Араб денгизи ювиб туради. 80 фоиз аҳолиси мусулмон бўлган Жамму ва Кашмир ерлари Покистон ва Ҳиндистон ўртасида баҳсли ҳудуд бўлиб келяпти.

Ҳозирги Покистон ҳудудида жуда қадимдан одамлар яшаб келган. Неолит даврида дарёлар атрофида илк деҳқончилик воҳалари пайдо бўлган. Милодий йилбошидан аввалги уч минг йилликда Ҳинд водийи атрофларида энг кўҳна давлат тузилмаларидан бири — Харапп ҳазораси (сивилизатсияси) шаклланди. Кейинчалик бу ўлка ҳудудида ҳинд-эрий қабилалари пайдо бўлди ва уларнинг бир неча дав-

лати — Мадра, Гандхара, Саувира ва бошқалар юзага келди. Милоддан олдинги олтинчи аср ниҳоясида Ҳинд дарёси ва унинг ирмоқлари ўтган катта воҳани Аҳмонийлар империяси, Александр Македониялик, Эллинлар подшолиғи ва бошқа ҳукмдорлар навбати билан босиб олишди. Кейинчалик Ҳинд воҳаси узоқ йиллар Кушонлар империяси, сосонийлар, гуптлар, эфталитлар тасарруфида бўлди, буддавийлик дини ўрнига ҳиндийлик дини кириб келди.

Еттинчи асрга келиб Синд ўлкаси ва Панжобнинг жанубий қисми фатҳ этилди ва мамлакат аҳолиси Ислом неъматин билан шарафланди. 750 йили умавийлар халифалик ўрнини аббосийларга бўшатиб берганидан кейин Синд амалда мустақил давлат бўлиб қолди. Ўн биринчи асрдан бошлаб эса, йирик савдо йўли бўлган бу ўлка бирин-кетин ғазнавийлар, гуридлар, Деҳли султонлиғи, мўғуллар, теурийлар қўлига ўтди.

Аслида Покистон давлатининг тамал тошини бундан беш аср муқаддам Ҳиндистонда буюк сал-

танат барпо этган улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг сулоласи қўйган. Ўн саккизинчи асргача Панжоб, Синд ва Ҳинд дарёси ҳавзасидаги улкан ҳудуд Бобурийлар ҳукмдорлиғи остида бўлган.

1843 йидан бошлаб инглиз мустамлакачилари аввал Синдни, кейин Панжоб ва Белужистонни босиб олишди. Узоқ вақт уларга қарши мамлакатда миллий-озодлик кураши давом этди. 1906 йили Ҳиндистонда мусулмонларнинг илк сиёсий ташкилоти — Мусулмонлар лигаси ташкил этилди. 1940 йили жаноб Қойде Аъзам бошчилигидаги бу лига мустақил мусулмон давлати тузиш ғоясини илгари сурди. Инглизлар 1947 йили яхлит исломий давлат Ҳиндистонга мустақиллик беришга мажбур бўлишди. Аммо улар мамлакатни диний-қабилавий жиҳатдан икки давлатга — Ҳиндистон ва Покистонга бўлиб юборишди. Ўша йили 14 августда мустақил Покистон давлати ташкил топди. 1956 йил 23 мартда мамлакат Таъсис мажлиси қабул қилган



Конститутсияга кўра, Покистон Федератив Ислон Республикаси деб эълон қилинди. Асосий қонунга мувофиқ, Ислон давлат дини ҳисобланади ва фақат мусулмон кишигина президент бўла олади. 1984 йил декабрида генерал Зиё ул-Ҳаққ ўтказган умумхалқ референдумида мамлакатни исломлаштириш стратегияси маъқулланди. Ҳозирги пайтда президентлик лавозимини генерал Парвез Мушарраф эгаллаб турибди.

Покистон асосан деҳқончилик мамлакати ҳисобланади. Фалла, шакарқамиш, дуккакли экинлар, сабзавот, пахта кўп етиштирилади. Чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Кончилик, тўқимачилик, машинасозлик, кимё, озиқ-овқат саноати анча тараққий этган. Покистон азалдан моҳир хунармандлари билан ном чиқарган. Ҳарир газламалар, металл, тери, оникс, ёғочдан ишланган хилма-хил буюмларнинг бозори чаққон. Мамлакат хорижга нефт ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини, кўн-тери, тақинчоқлар, кийим-кечак, газлама, пахта, гуруч, чорва ва озиқ-овқат маҳсулотларини чиқаради.

Покистон Ислон Республикаси аҳолисининг 95 фоизи мусулмондир. Бунинг 75 фоизи ҳанафий мазҳабидаги суннийлар, йигирма фоизи эса шиалардир. Шиалар ўзларини имомийлар, исмоилийларнинг издошлари ҳисоблашади. Қолган беш фоиз аҳоли ичида ҳиндукийлик, насронийлик, буддавийлик, зардўштийлик каби оқимларнинг вакиллари бор. Панжобликлар асосан аҳмадийлик мазҳабига эътиқод қилишади ва халқда “қодиёнийлар” деб аталади. Суннийлар ҳам, шиалар ҳам улар билан ақидада мутлақо келишишмайди. Мусулмонларнинг фикрича, аҳмадийлар-



ни бузуқ ақидаси учун Ислонда деб бўлмайди. Сабаби-мазҳаб асосчиси Мирзо Фулом Аҳмад-ни (1839-1908) пайғамбар деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, Аллохтаоло пайғамбарликни Муҳаммад алайҳиссалом билан тугаллаган ва энди то қийматгача бошқа пайғамбар келмайди.

Мусулмонлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Бу ерда бир неча исломий партиялар тузилган. Улардан “Жамоати исломийя”, “Покистон мусулмон лигаси” кабилар мамлакатда


катта нуфузга эга. Мусулмон аёллар ҳуқуқи декларатсияси қабул қилинган. Покистон парламенти аёл депутати Самия Роҳил Қозининг айтишича, Ислоний жамиятдаги оилавий муносабатлар ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ, жамият ва мамлакат тараққиётида асосий омиллардан ҳисобланади.

Мамлакатда минглаб масжидлар фаолият олиб борапти. Уларнинг энг йирик ва машҳурларини Бобурийлар қурдирган. Ҳар бир жомеъ масжиди қошида мадраса бўлиб, у ерда болаларга бепул анъанавий исломий таълим берилади. Покистонда, шунингдек, бир қатор дорулуум (университетлар) ишлаб турибди. Уларда олий маълумотли дин ходимлари, имом-хатиблар, мударрислар, турли соҳа мутахассислари тайёрланади. Мамлакатда диний байрамлардан Шаъбон ойида Барот кечаси, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрамлари сифатида кенг нишонланади.

Покистон аҳоли сони жиҳатидан дунёда еттинчи ўринда туради. Унинг заҳматқаш ва жафоқаш халқи йигирма биринчи асрни дунёдаги ривожланган миллатлар билан бўйлашган ҳолда бошлади.



Холид МУҲАММАД ХОЛИД



Умайянинг юраги қинидан чиқиб кетай дерди. Кечагина бир қул қийноқ ва таҳдид остида такрорлаган ушбу сўз бугун бутун бир диннинг, янги бир умматнинг шиорига айланиб улгурган эди!

Шунчалик шиддат, шунча катта тезлик билан-а?! Муслмон жангчилар гуруҳи Умайя билан унинг қурайш томонида жанг қилаётган ўғлини ўраб олишди. Уларни ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳатто оломон майдалаб ташлаган совутлари ҳам ҳимоя қилолмади.

Билол Умайянинг қиличлар тиғи остида йиқилган жасадига узоқ тикилиб турди. Сўнг шитоб билан ундан юз буриб, бор овози билан:

— “Аҳад!.. Аҳад!..”, — дея ҳайқирди...

* * *

Ойлар, йиллар ўтди...

Макка фатҳ бўлди...

Расулulloҳ (с.а.в.) ўнмингларча муслмонлар билан шукр қилган ва такбир айтган ҳолда шаҳарга кириб келдилар. Лашкарга бош бўлиб Каъба сари юрдилар. Бу муқаддас маконни қурайш мушриклари йил кунларининг ададича бут-санамларга тўлдириб ташлаган эди.

Ҳақ келди. Ботил кетди.

Шу кундан бошлаб Уззо ҳам, Лот ҳам, Ҳубал ҳам йўқ. Бугундан кейин инсон бошини тош ва бутларга эгмайди. Одамлар энди бутун вужудлари билан Воҳидул-Аҳад, Кабирул-Мутаал, ўхшаши, тенги йўқ зот — Аллоҳагина ибодат қилишади!

Расулulloҳ (с.а.в.) ёнларига Билолни олиб Каъбага кирдилар. Кираверишдаёқ чўплар билан фол

ҲАММАНИ ЙИҒЛАТГАН АЗОН

Дарҳақиқат, қадар бераҳмларни масхаралашни ўрнига қўйган, мўминларни азоблашга тезлаган Уқбанинг ўзи Умайяни ўлимга ҳам ҳайдаб борган эди. Яна бу ўлим кимнинг қўли билан амалга оширилди денг? Билолнинг, ҳабаший Билолнинг қўли билан! Бир пайтлар Умайя осган занжирлар эзиб ташлаган, хожанинг калтак-азоблари оғритган қўллар билан! Ана шу қўллар энди Бадр ғазотида, қадар вақтини қойиллатиб белгилаган фурсатда мўминларни шафқатсизларча ва қаҳр-ғазаб билан хорлаган Қурайш жаллоди билан учрашиб турарди!

Икки гуруҳ ўртасида жанг қизиқ турган пайтда муслмонлар тарафидаги маъраканинг бир томони: “Аҳад!.. Аҳад!..” шиори билан чайқаларди.

кўраётган Иброҳим, алайҳиссалом, тимсолидаги ҳайкалга йўлиқишди. Расулulloҳ (с.а.в.) ғазабланиб шундай дедилар:

“Аллоҳ уларни яксон этсин! Шайхимиз чўплар билан фол кўрмас эдилар... Иброҳим (алайҳиссалом) яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганлар, балки ҳаниф муслмонлардан эдилар. Ва мушриклардан ҳам эмасдилар!

Сўнг Билолга масжид устига чиқиб, azon айтмоқни буюрдилар. Билол azon айтдилар. Замон, макон ва муносабат қандайин гўзал! Маккадаги ҳаёт ҳаракатдан тўхтади. Мингларча муслмон сокин насим каби Билол ортидан azon калималарини хушув билан пичирлаганча такрорлаб турди.

Мушриклар уйларида туриб, сира ишонолма-

ётган эдилар: “Кечагина бу диёрдан қувилган Муҳаммад ва унинг камбағал дўстларими шулар? У билан ўнминглаб мусулмонларнинг бирга келишгани ҳам ҳақиқатми? Бизлар қувиб солган, қарши урушган, энг суюмли ва яқин кишиларини ўлдирган одамлар наҳотки шулар бўлса?! Эркимиз қўлида бўлиб қолганида эса: “Бораверинглар, сизлар озодсизлар!” дея олган киши ҳам шу — Муҳаммад экани ҳақиқатми?”

Курайш улуғларидан уч киши Каъба ҳовлисида ўтирарди. Билолнинг оёқлари билан санамларни топташи ва азон айтиб, баҳорнинг муаттар бўйи каби овозини Макка уфқларига баралла қўйиб юбориши уларни ёндирарди.

* * *

Билол жуда кўп воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлиб яшади. Намозга азон айтиб, ўзини зулматдан нурга, қулликдан ҳурликка чиқарган буюк диннинг маросимларини адо этиб, ҳимоя қилиб, Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) билан бирга яшади.

Ислоннинг шаъни юксалди. У билан бирга мусулмонларнинг ҳам мавқе-мартабалари кўтарилди. Ҳар бир ўтган кун Билолнинг Расулulloҳ (с.а.в.) қалбларига яқинлигини шу қадар зиёдалаштирдик, уни “жаннат аҳлидан бўлган киши” деб тавсифладилар. Лекин Билол одатдагидай камтар, сертавозез ҳолида қолди. У ўзини “кечагина қул бўлган киши” деб ҳисобларди.

Бир куни ўзи ва инисига совчи бўлиб икки аёлниқига борди ва уларнинг отасига шундай деди:

— Мен Билолман, бу эса иним, ҳабашлик бўлган икки қулмиз. Залолатда эдик, Аллоҳ ҳидоят қилди. Қуллар эдик, Аллоҳ озод қилди. Агар қизларингизни берсангиз, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Агар хоҳламангиз, Аллоҳ улуғдир!..

* * *

Расулulloҳ (с.а.в.) рози ҳолда ва рози бўлинган ҳолатда Рафиқул Аълога риҳлат қилдилар. Кейин мусулмонларнинг ишига Абу Бакр Сиддиқ бош бўлди.

Билол Расулulloҳнинг (с.а.в.) халифалари ҳузурига бориб:

— Эй Расулнинг халифаси, мен Расулulloҳнинг: “Мўмин амалининг афзали Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир”, деганларини эшитганман», деди. Абу Бакр:

— Нима хоҳлайсан, эй Билол? — деб сўради. Билол:

— То ўлгунимча Аллоҳ йўлига алоқадорликни истаيمان — деб жавоб қилди. Абу Бакр Сиддиқ сўради:

— Унда бизга азонни ким айтади?

Билол кўзлари жиққа ёшга тўлиб, жавоб қилди:

— Мен Расулulloҳдан кейин ҳеч кимга азон айтмайман!

Абу Бакр:

— Қолиб, бизга азон айтиб тургин, эй Билол, — дея илтимос қилди. Шунда Билол айтди:

— Агар мени ўз нафсинг учун озод қилган бўлсанг, сен истагандек бўлақолсин. Агар Аллоҳ учун озод этган бўлсанг, унда мен ва Унинг учун озод қилинган Зот ўртасидаги ишга аралашма!

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) жавоб қилди:

— Сени Аллоҳ учун озод қилганман, эй Билол!

Билол қолган умрини Ислом чегараларида ўрнашиб ўтказди. Аллоҳ ва Расулига йўлиққунига қадар Аллоҳ ва Пайғамбаримиз яхши кўрадиган амалларда ғайрат кўрсатди.

Унинг кучли, ўткир ва ғамнок овози азон айтиб бошқа янграмади. Сабаби шуки, у азон айтarkan: “Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулulloҳ” жумласига келганида хотиралардан қийналиб, овози бўғилиб қолар, калима ва ибораларга қўшилиб кўзларидан ёш жаласи қуйилаверар эди.

Билол сўнги марта Ҳазрати Умар (р.а.) Шомни зиёрат қилган кунлари азон айтди. Мусулмонлар Билолни бир мартагина намозларига азон айтиб беришига кўндириш учун мўминлар амирини васила қилишди. Ҳазрати Умар Билолни ёнига чорлади. Намоз вақти кирганида ундан азон айтиб беришини илтимос қилди.

Билол мезанага кўтарилди ва азон айтди... У азон айтар экан, Расулulloҳни (с.а.в.) кўрган саҳобалар йиғлаб юборишди. Йиғлаганларида ҳам олдин ҳеч қачон кўрилмаганидек қаттиқ кўзёш тўкишди. Энг қаттиқ йиғлаган Ҳазрати Умар бўлди...

* * *

Ҳазрати Билол хоҳлаганидек, ўзини Аллоҳ йўлига бағишлаб, Шомда вафот этди. Бугун Дамашқ заминида ақида ва имон тарафида сабр ва жасорат билан туриб беришда башар эрларининг энг улуғларидан бўлган кишининг жасади ётибди...

Арабчадан


Мубашшир АҲМАД

таржимаси



ШАЙХ АҲМАД ДИЙДОД ИБРАТИ

Бундан бир неча йил муқаддам “Инжил Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида нима дейди?” номли мўъжазгина рисола бутун дунёга тарқалди ва катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг муаллифи Жанубий Африко Республикасида истиқомат қилувчи Аҳмад Дийдод исмли мусулмон олими насронийлик руҳонийи Ҳайтен билан мунозара қилиб, Инжилнинг Эски Аҳд қисмида охириги пайғамбар Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) келишларига очиқ башорат борлигини исботлаб берган эди.



табга ўтказилди. Аммо унда атиги икки йилгина ўқиди, сўнг оилага ёрдам бериш учун ишга киришга мажбур бўлди. Ишга жойлашаркан, у ишлайдиган кичкинагина қаҳвахона келажакда катта дорилфунунга айланиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Қаҳвахона католикларнинг диний семинарияси яқинида эди. Бу ерга келган семинария талабалари, муаллимлари ҳар гал боланинг жигига тегишарди. Улар Аҳмадга “Сен мусулмонмисан?” дея бақирарди,

Аҳмад Дийдод шундай ёзади: “Таврот бешинчи китобининг 18-боб 10-ояти бўлажак пайғамбарнинг Муҳаммад (алайҳиссалом) қиёфаларида дунёга келишини тасдиқловчи яна бир далилдир. Ушбу сўзларга диққат қилинг: “Менинг номим билан гапирадиган у пайғамбар...”. Муҳаммад (солаллоху алайҳи ва саллам) кимнинг номи билан, кимнинг номидан гапирадилар?... Куръони каримнинг 9-сурасидан бошқа барча суралари **“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”** (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан...)” деб бошланган. Мусулмонлар ҳамма ҳалол ишларини шу дуо билан бошлайдилар. Насронийлар эса: “Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан” ишга киришишади, шундай эмасми? Шу тариқа мен Инжилдаги у башорат Исога (алайҳиссалом) эмас, пайғамбаримиз Муҳаммадга (алайҳиссалом) оид эканини исботловчи йигирмага яқин далил келтирдим”.

Дунёда минг-минглаб кишиларнинг тафаккурини тубдан ўзгартириб юборган ва уларнинг Исломга киришларига сабаб бўлган бу шижоатли олимнинг таржимаи ҳоли кўпларни қизиқтириши табиий. Хўш, Аҳмад Дийдод ким?

Аҳмад Дийдод 1918 йили Жанубий Африко Республикасининг Дурбан шаҳрида тикувчи оиласида туғилди. Ўша пайтда Жанубий Африко оз сонли оқлар ва туб қоратанли аҳоли ўртасидаги фожиавий зиддиятлар палласиини бошидан кечираётган эди. Отасининг Аҳмаддан ташқари Абдуллоҳ, Қосим ва Умар исмли яна уч ўғли бор эди. Кейинчалик Қосим ва Умар йирик сармоядор бойлар бўлишди. Абдуллоҳ эса 1956 йили Қоҳирадаги Ал-Азҳар дорилфунунига ўқишга кирди. Унинг исломий ҳаракат билан танишуви шу ерда бошланди. У ватанига қайтгач, ҳамфикр дўстлари билан “Мусулмон ёшлар ҳаракати” деган ташкилот тузди.

Аҳмад Дийдод бошқа қоратанли фуқаролар қатори ҳар куни ўнлаб марта кўчада, мактабда, дўконда ҳақорат ва камситишларга дуч келар эди. Бошлангич синфларни аъло битирган Аҳмад ўрта мак-

жавобини ҳам кутмай: “Сенинг дининг ёлғон”, “Пайғамбаринг ёлғончи”, “Китобинг уйдирма”, “Борар жойинг дўзах” каби сўзларни айтиб, жазавага тушишарди. Бу ҳол ҳар куни такрорланарди. Аввалига насронийларнинг қилмиши Аҳмаднинг ғазабини кўзғати. Аммо кейинчалик у: “Ҳақиқат қаерда-ю, ёлғон қаердалигини аниқлаб олишим керак”, деган қарорга келди. Шу пайтдан бошлаб у ўзининг озгинагина маошидан ҳар ойда исломий адабиётлар сотиб олишга пул ажратишга қўядиган бўлди.

Бир куни черков томонидан Исломга қилинган ҳужумларнинг гувоҳи бўлган ҳинд руҳонийининг “Ҳақиқатни топиш” номли китоби Аҳмаднинг қўлига тушиб қолди. Муаллиф унда аксилисломий хуржларга, шунингдек, ҳинд насронийларининг Ислом ҳақида берган саволларига жавоб қайтарган эди. Кейинчалик Дийдод шундай дейди: “Бу китоб менга кўп нарса берди, ундан жуда кўп саволларимга жавоб топдим”.

Инжилни ўрганиш Аҳмад Дийдоднинг мустақил билим олишида навбатдаги босқич бўлди. У Янги Аҳднинг турли нашрларидан бир нечасини сотиб олди ва матнларни муқоёса қилар экан, уларда жиддий қарама-қаршиликларни топди. Ўз-ўзидан: “Уларнинг қай бири тўғри?” деган савол туғилди.

Ёш Аҳмад ана шу бир-бирига зид келган ўринларни қозғога туширди ва ҳар куни қаҳвахонада жигига тегувчиларга кўрсатди. Ўсмирнинг жиддий саволларига семинария илоҳиётчиларининг жавоб беролмай доврираб қолишгани бир умр Аҳмаднинг эсидан чиқмайди. “Улар гангиб қолишган, нима дейишни билишмасди, — дея эслайди Аҳмад Дийдод. — Кейинчалик ҳеч ким мусулмонлигим учун таъна қилолмайдиган бўлди”. Бу воқеа ёш Дийдодга энг яхши ҳимоя ҳужумга ўтиш эканини англатди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Аҳмад Дийдод жанубий африқолик саноатчи ва ҳуқуқшунос, адлия ишлари билимдони Фулом Ҳусайн Фанака билан танишиб қолди. Дийдод ва Фанака табиатлари ва дунё-

қарашларига кўра бир-бирига жуда ўхшашарди. Уларни бирлаштириб турган нарса асосан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобалари каби Аллоҳ таолога ва мусулмон умматига ихлос билан хизмат қилиш нияти эди. Янги дўст тимсолида Аҳмад Дийдод исломий маърифатни ёйиш ишида собитқадам сафдош топди. Улар иломий билимларни бирга ўрганишар, динларни муқояса қилиш билан шуғулланишар эди. Бу пайтга келиб Аҳмад Дийдод насронийларнинг руҳонийлари билан баҳс-мунозараларда мунтазам қатнашар, ўзида моҳир даъватчи маҳоратини ривожлантирар эди.

Аҳмад ва Фулом кўп вақтларини даъватга бағишлаларди. 1956 йили улар Дурбанда “Даъват” ташкилотини рўйхатдан ўтказишди ва унинг вакиллари сифатида шаҳар-қишлоқлардаги черков ва насронийлик ўқув юртларига бора бошлашди. Улар одамларга Инжил ва насроний ақидасининг қарама-қаршиликларини тушунтириб беришарди.

Аҳмад Дийдод сафдоши билан бирга мамлакатни узунасига ҳам кўндалангига ҳам кезиб, кишилар онгида тўнтариш ясади, уларнинг тушунча ва эътиқодини буткул ўзгартириб юборди. Черков доирасидаги бухрон фож бўлиб қолди. Юзлаб насронийлар Аҳмад Дийдод билан суҳбатдан кейин Исломга ўтганларини эълон қилишди. Дурбаннинг овлоқ кўчаларидан бирига жойлашган “Даъват” ташкилоти эшикларини мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан оқиб келадиган мухлислар кўплигидан асло ёпилмасди.

Кейптаунлик сармоядор, шаҳардаги бир неча дўконларнинг эгаси Солиҳ Муҳаммад билан танишув ҳам Дийдод таржимаи ҳолида муҳим воқеа бўлди. Жанубий Африқо Республикасининг савдо маркази — Кейптаун аҳолисининг асосий қисми насронийлар эди. Шаҳарда черков ва насронийлик ўқув юртларининг ривожланган инфратузилмаси мавжуд эди. Аммо Кейптаунда каттагина мусулмон жамоаси ҳам истиқомат қилишига қарамай, мусулмонларнинг шаҳардаги мақомлари унча баланд эмасди.

Аҳволни бир оз ўнглаш мақсадида Солиҳ Муҳаммад насроний руҳонийлари билан мунозаралар ўтказиш учун Аҳмад Дийдодни Кейптаунга таклиф этди. Мусулмон олимнинг муҳолифлар билан биринчи баҳслариёқ жамиятда катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳар бир учрашувга кўп сонли жамоат тўпланар, улар орасида йирик тожирлар, давлат хизматчилари бўлар эди. Аҳмад Дийдод қисқа вақт ичида кўплаб оқил инсонлар онгига таъсир ўтказишга эришди. Унинг исми қоратанли аҳоли эрки учун курашчи Нелсон Манделанинг номи билан бир қаторда тилга олинган бўлди. Кейптаунни эса “Аҳмад Дийдод шаҳри” деб атайдиган бўлишди.

Ўзининг айтишича, у эришган ютуқларда рафиқаси Ҳавво хонимнинг ҳам катта хизматлари бор. Биргаликдаги ҳаётларининг биринчи кунларидаёқ Ҳавво хоним эрининг ҳақиқий сафдоши ва ёрдамчисига айланди. Чунки эрининг фаолияти катта жисмо-

ний ва руҳий куч-қувват талаб этарди. Ҳар гал уйга қайтаркан, уни хонадоида меҳрибон ва ғамхўр аёли, ажиб осойишталик, фароғат ва ором кутиб оларди.

Фарзандлари, энг аввало, мусулмон бўлгани ҳолда ҳар бири ўз ҳаёт йўлидан боришди. Катта ўғли Иброҳим электроника соҳасида муҳандис бўлиб етишди, яна бир ўғли Юсуф эса ҳозир йирик тижоратчи.

Аҳмад Дийдод ҳозирги диний арбобларга етишмаётган кўп фазилатлар соҳиби эди. Дўстлари ва яқинлари таъкидлашча, у ҳамиша ҳалим, самимий, қаноатли бўлиб, суҳбатдошларини тинглашни билар, уларнинг саволларига одоб билан, лекин қатъий жавоб қайтарар эди. Ваъдасига доимо вафо қиларди, ҳеч қачон учрашувга кечикиб бормасди. Ниҳоятда машҳурлигига қарамай, ўзини ҳаддан ташқари камтар ва хокисор тутар, овқатланиш ва кийинишда ҳамма қатори бўлишга уринар эди. Эскигина “Фолксваген-жук” машинаси унинг ягона улови эди. Аҳмад Дийдод тозалик ва тартибни жуда яхши кўрарди. Унинг мўъжазгина ишхонаси ҳамиша тартибли, пок-киза бўлар, китоблар тоқчаларга чиройли терилган, стол устида ортиқча ҳеч нарса бўлмас эди.

У ўзи бошлаган иш давомли бўлиши зарурлигини яхши тушунарди. Бунинг учун мустақкам замин яратиш керак эди. Мусулмон олими ўзига хос кўтаринчилик ва қатъият билан ана шу мақсадни амалга оширишга киришди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Жанубий Африқо Республикасида бир неча ўқув юртлари ва марказлар очилди. Улар орасида Дурбандаги Аҳмад Дийдод услуби ўргатиладиган Ислом даъвати халқаро маркази асосий ўринни эгаллайди. Марказда саккиз курс бўйича икки йил таълим берилди. Олимлар ва воизларнинг кўпи Аҳмад Дийдод мактабини ўтаган ва уни шахсан яхши танийдиган кишилардир. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган талабалар бу марказда исломий илмларни ва даъватнинг энг замонавий усулларини ўрганиб ватанларига қайтишмоқда.

Аҳмад Дийдод даъват ишида замонавий технология, телекоммуникатсиялар, интернет ва йўлдошли телеканаллардан фойдалана олмади. Чунки бу янгиликларнинг кўпи олим оғир хасталикка учраганидан кейин пайдо бўлди. Шунга қарамай, у чиқишлари ва руҳонийлар билан баҳс-мунозаралари орқали ўн минглаб кишилар онгида тўнтариш ясади. Унинг қатор тилларга таржима қилинган асарлари ёлғон ақида ва шубҳа-гумонлар уммонида кўпчиликка маёқ бўлиб келяпти. Умрининг ниҳоясида Шайх Аҳмад Дийдод тўшакка миҳланиб қолганига қарамай, Аллоҳнинг динига хизмат қилишни давом эттирди. Ҳар куни ўнлаб мактуб ва электрон ёзишмаларга жавоб қайтарар, мурожаат қилганларнинг ҳаммасидан қимматли маслаҳатлари ва панд-насихатларини дариф тутмасди.

Ринат НИЗОМИДДИНОВ

Юнус ЭМРО

Ишққа кўнгил берган ўзим

Тоғлар ила... тошлар ила...

Тоғлар ила, тошлар ила
 ёд этайин, Мавлом, сени,
 Саҳарларда қушлар ила
 ёд этайин, Мавлом, сени.
 Сув тагида моҳи ила,
 саҳроларда оҳу ила,
 Девонадек ёху ила
 ёд этайин, Мавлом, сени.
 Самоларда Исо ила,
 Тур тоғида Мусо ила,
 Қўлидаги асо ила
 ёд этайин, Мавлом, сени.
 Ҳамду шукри илоҳ ила,
 васфи қулҳуваллоҳ ила,
 Доимо зикруллоҳ ила
 ёд этайин, Мавлом, сени.
 Англадим дунё ҳолини,
 тарк этгим қийлу қолини,
 Бош очик, оёқ ёлини,
 ёд этайин, Мавлом, сени.
 Юнус ўқир тиллар ила,
 ул қумри булбуллар ила,
 Ҳаққа ошиқ қўллар ила
 ёд этайин, Мавлом, сени.



Икки жаҳон зиндон эса...

Икки жаҳон зиндон эса,
 менинг учун бўстон бўлар,
 Нечун бундан чекай ғусса,
 чун иноят Дўстдан бўлар.
 Бориб ул Дўстга қул бўлай,
 ҳам очилибон гул бўлай,
 Ҳам сайроқи булбул бўлай,
 жойим бир гулистон бўлар.
 Дўст юзини кўрди кўзим,
 эранларга тупроқ юзим,
 Сўз англаганга бу сўзим
 шакар тўла бир кон бўлар.



Хабар беринг ошиқлара...

Хабар беринг ошиқлара,
 ишққа кўнгил берган ўзим,
 Ишқ ғаввоси янгилиғ тубсиз
 уммонлара кирган ўзим.
 Ер-кўк тўлган ишқ эрур,
 ишқдин улуғроқ йўқ эрур,
 Ишқнинг баҳосин ким билур,
 маъдани кон бўлган ўзим.
 Денгиз юзидин сув олиб,
 сувни самога еткариб,
 Булутларда сайрон этиб,
 Аршга яқин борган ўзим.
 Кўрдим деган эмас кўрган,
 билдим деган эмас билган,
 Билган Удир, кўрсатган У,
 ишққа асир бўлган ўзим.
 Қалам не ёзганин кўргил,
 хабар қандай эрур, билгил,
 Қолу Бало эшигидан
 бунда хабар берган ўзим.
 Девонаман, отим Юнус,
 ишқ бўлди менга қиловуз¹,
 Ҳаққа етай мен ёруғ юз,
 остонига борган ўзим.



Туркчадан
Насриддин МУҲАММАД
 таржимаси

¹ Йўл кўрсатувчи.

Жаннат боғларига кирайин десанг



Гулчеҳра БОБОҚУЛОВА

Шайтон малайлари, нафсинг қуллари

Эгнида ридою дилида риё,
Харидори нафсу бозори дунё,
Сизни тўғри йўлга бошлайди гўё,
Аслида ҳалокат унинг йўллари,
Шайтон малайлари, нафсинг қуллари.

Тилидан бол томар, нафингиз тегса,
Сиз тўғри ниҳолсиз, қанийди эгса,
Қалбингиз тугунин қаттиқроқ тугса,
Бўғзингизда мудом ожиз кўллари,
Шайтон малайлари, нафсинг қуллари.

Рўзаю намозга вақти бўлмайди,
Вақтини иблисга ўзи пуллайди,
Қорни кулар унинг, қалби кулмайди,
Тошдан-да қаттиқроқ экан диллари,
Шайтон малайлари, нафсинг қуллари.

Мискин, фақирлардан қочиб юради,
Ҳар кимнинг сирларин сочиб юради,
Фитна уясини очиб юради,
Жаҳаннамга элтар унинг йўллари
Шайтон малайлари, нафсинг қуллари.

Тиллари айланмас Аллоҳ зикрига,
Иблис қанот бергай ўйи-фикрига,
Аҳли дин, алданма, унинг макрига,
Дунё матоҳидай кўп усуллари,
Шайтон малайлари, нафсинг қуллари.

Қашқадарё



Абдурахмон АБДУРАҲИМ ўғли

* * *



Имон бердинг, зикр қилдим,
Адаштира, қўлимдан тут.
Ойдек ёруғ фикр қилдим,
Ё Аллоҳим, дилимдан тут.

Ҳар нафас, ҳар қадам чоғи
Кувонч-ҳасрату ғам чоғи
Огоҳ айла ғийбат қилсам,
Суякиз бу тилимдан тут.

Бу дунё бир синов асли,
Барчанинг бор ҳазон фасли.
Кулатма тубсиз чоҳларга,
Пок нур ила йўлимдан тут.

Юнусобод

Шонёнмат ШОМАҲМУД

Тилак

Жаннат боғларига кирайин десанг,
Ҳаромдан ҳазар қил муслмон эсанг.
Аллоҳ эшитгувчи, унутма асло,
Юрган-турганингда дегин бисмиллоҳ.

Эзгулик, саломдан бошла ҳар сўзинг,
Ҳалолдан буюрса, ёришгай юзинг.
Тошу тарозидан қилмайин хато,
Юрган-турганингда дегин бисмиллоҳ.

Биларсан, ким шерик номус-оринга,
Хиёнат қилмагин дўсту ёринга!
Манманлик дардига бўлмай мубтало,
Юрган-турганингда дегин бисмиллоҳ.

Қондошинг, дилдошинг ғанимат билгин,
Кўлингдан келганча мурувват қилгин.
Аллоҳ қут-барака этажак ато,
Юрган-турганингда дегин бисмиллоҳ.

Тошкент

“Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган — сўнг у сабабли, ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни (Ер юзига) тарқатиб-ёйиб юборган — сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва Ер орасидаги итоатгўй булутда — (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир” (Бақара, 164).

ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ?

Ҳаво, сув неъматини мўъжизалари

Инсон тириклиги ҳаво билан боғлиқлигини дабдурустдан хаёлига ҳам келтирмайди. У ташналикка бир неча кунгача чидай олади. Ҳафталаб оч юрса ҳам, умри битмаган бўлса, ўлмайди. Аммо ҳавосиз бир дақиқадан ошиқ яшаб кўрсин-чи! Инсоннинг нафас олиш эҳтиёжи узлуксиздир. Аллоҳнинг ҳикмат ва қудрати билан, инсон туғилганидан то ажали етгунча нафас олишга ва чиқаришга ҳожатмандир.

Ҳаво ер юзининг ҳамма жойида бор. Зеро, у Аллоҳнинг ҳамма махлуқлари учун бир хил зарур. Аллоҳ таоло ҳавони зўрлар ожизлардан, бойлар камбағаллардан тортиб ололмайдиган қилиб яратди.

Ҳаво тиниқ ҳолатда яратилган. Унга инсон эҳтиёжи учун нур ўтказиб туриш, кун ва туннинг алмашувини билдириш, инсон кўзларига парда бўлмаслик амр этилган.

Агар инсон умри давомида нафас олиш учун сарфлайдиган ҳавони елкасига ортиб қўйилса, у босқон остида қолган бир қумурсқа ҳолатига тушар эди. Меҳрибон Парвардигоримиз ана шундай юкни оғирлиги инсон елкасини букмайдиган бир тарзда яратди. Аксинча, инсон Аллоҳ бер-

ган ақли ва илми билан ҳаводан самога парвоз қилишда, осмонга кўтарилишда таянч сифатида фойдаланмоқда.

Аллоҳ ҳавони ҳаммаша янгилашиб турадиган, қиёматга қадар ҳам тугамайдиган тарзда яратди ва бунинг учун ўсимликларга жониворлар нафас чиқарганида ҳосил бўладиган карбонат газини ютиб, мўл-кўл кислород чиқаришни буюрди. Миллард йиллар давомида яшил табиат Парвардигорнинг фармойишини адо этиб келмоқда ва бажаришда давом этаверади.

Дарё ва денгизларнинг шовқини, қушлар сайраши, қўй-қўзиларнинг маъраши Парвардигоримизнинг ҳавога муайян таъсир остида ҳосил бўлган тебранишлар сабабли, овозга айланиш ва уни маълум масофага қадар етказиш амрининг ижросидир. Раббимизнинг марҳамати туфайли инсоннинг бўғиз, оғиз ва бурун бўшлиғи, тил ва тишлари ёрдамида ҳосил бўлган товушлар ҳавода сўзларга, сўзлар эса яхлит нутққа айланади.

Бутун ер юзидаги махлуқотнинг, жумладан инсоннинг ҳаётини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Раббимиз: “Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Уни булутлардан



сиз ёғдирдингизми ёки Биз ёғдир-гувчимизми? Агар Биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлар эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?!” (Воқеа, 68-70) деб марҳамат қилди. Дарҳақиқат, агар сув шўр қилиб яратилганида, бу дунёда ҳаёт ҳам, бирон бир тирик зот ҳам бўлмас эди.

Сув ўзи нимадан ташкил топган? Бу саволга кимё фанидан озгина хабари бўлган киши икки атом водород ва бир атом кислороддан, яъни, H₂O дан иборат деб жавоб беради. Аслида бу икки унсур бир-бири билан ўт билан сувдек чиқиша олмайди. Водороднинг кислород билан тўқнашувидан ёниш ҳосил бўлади ва даҳшатли портлаш юзага келади. Ана шу бир-бирига зид икки кимёвий моддани азалу абад бирлаштириб, уни ловуллаб ёниб турган ўтга ўчириш воситаси этган Аллоҳнинг қудрати, илму ҳикматиға фақат ақлсизлар имон келтирмайди.

“Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам бор, икки оёқда юрадиганлари ҳам бор, тўрт оёқда юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсаға қодирдир” (Нур, 45).

Аллоҳ сувни нафақат ҳаёт гарови этиб, балки покловчи восита ҳам қилди. Аллоҳ сувни ер юзида йил фасллари алмашинувига, табиатнинг янгилашишига, ёғингарчиликларнинг мавсумийлигига сабаб этган. Ҳолбуки, Ер курасининг ҳар икки қутбида муз ҳолатига келтириб қўйилган сув заҳираларининг ўзи катта мўъжиза. Бу музликларда йиғилган сув ҳажми шу қадар кўпки, агар эриб кетгудек бўлса, ер юзида сув босмаган шапалоқдек ҳам жой қолмаган бўларди!

Шу икки неъматнинг қадрини ҳис қилган инсон Парвардигориға қулликни асло канда этмайди.

Тўхтамурод БАҲРОМ

АЛЛОҲНИНГ ЛУТФИ ВА МАРҲАМАТИ

Ажри улф амал

Анас ибн Моликдан (р.а.): Бир куни Салмон Форсий Умар ибн Хаттобнинг уйига келди. Ҳазрати Умар ўзи суяниб ўтирган ёстиғини Салмонга узатди. Шунда Салмон:

— Аллоҳнинг Пайғамбари рост айтганлар, — деди.

— Аллоҳ Пайғамбари айтган ҳадисни бизга ҳам айтиб бер, — деди Ҳазрати Умар.

Салмон Форсий айтди:

— Бир куни Пайғамбаримизнинг ҳузурларига бордим. Расули Акрам (с.а.в) сенга ўхшаб суяниб турган ёстиқларини менга узатиб, сийлагач: “Эй Салмон, бир мусулмоннинг уйига бир мусулмон биродари келганида мезбон сийлов бўлсин, дея бир ёстиқ қўйса, (кўрпача — тарж.) ташласа, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини мутлақо кечиради”, дея марҳамат қилдилар.

Муқаддас БАҲРОМ
тайёрлади

Шикоят қилиш осон

Зуҳайр Абил-Ҳайсамдан (р.а.):

Уқба ибн Омирга:

— Қўшниларимдан бир нечаси ичкилик ичишади. Уларни тутиб олишлари учун зобитга хабар бераман, — дедим.

— Ундай қилма, уларга насихат қил ва кўрқит, — деди Уқба.

— Насихат қилдим, қулоқ солмадилар. Энди зобитга билдиришдан ўзга чора қолмади.

— Худо хайрингни берсин. Ундай қила кўрма, деяпман. Зеро, мен Расулуллоҳнинг (с.а.в.):

“Ким бир мусулмоннинг бир айбини яширса, тириклайин кўмилган қизни қутқарган каби савоб олур”, дея марҳамат қилганларини эшитдим, — деди Уқба.

Ажиб ташбеҳ

Ҳазрати Умар (р.а.) Шом шаҳрига борганида Абу Дардонинг уй эшиги очиқ, ичкари қоронги эканини кўрди. Рухсат сўраб, кирганида Абу Дардо тақир ерда туясининг тўқимини ёстиқ, юпқа шолни эса кўрпача қилиб ётар эди.

Ҳазрати Умар сўради:

— Аллоҳ сендан рози бўлсин. Нега бунча ўзингни қийнайсан? Мен сенга етарли миқдорда маош бермаяпманми?

Абу Дардо:

— Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилган ҳадисни эсламайсанми?

— Қайси ҳадисни?

— “Ҳар бирингизнинг дунёдаги молингиз бир йўловчининг озуқаси қадарлик бўлсин” деганларини.

— Ҳа, эсладим.

— Хўш, кейин биз нималар қилдик, эй Умар?

Ўша куни Ҳазрати Умар билан Абу Дардо тонггача йиғлаб чиқишди.

Муна МУРОД қизи
тайёрлади

Қалбингизни унутманг

Раҳматли Роҳатой холамлар инсон қалбини ҳовлига менгзар эдилар. “Бировнинг ҳовлисига кирсанг, нарсалар бетартиб, боғида бегона ўтлар ўсиб ётади, қараган одамнинг табини хира қилади. Бошқа бировникида эса гуллар ўсган, ҳаммаёқ озода, шинам, кўрган кўз яйрайди. Одамнинг қалби ҳам шунга ўхшаш. Бировнинг дили тошдек қотиб, қорайиб кетган, унда фиқ-фужур қалашиб ётади. Бошқа одамнинг қалби эса, обод, тева-ракдагиларга қўлидан келганича яхшилик қилишга интилади”, дер эдилар.

Бир асрга яқин умр кўрган бу инсоннинг ҳикматомуз гапларига илгари унча эътибор бермасдим. Бундай лоқайдлик, ҳақиқатни вақтида англамаслик жиддий хато-ларга сабаб бўлади.

Атрофга бир қаранг, тафаккур қилинг! Фикри-зикри мол-дунё тўплаш билан банд, ақл-идрок жиловини нафс қўлига тутқазиб қўйганлар қанча. Улар қалб ҳамиша ҳимояга муҳтож эканини билармиканлар? Улар асло қалбларига боқмайдилар. Унинг ҳимояси учун нима зарурлигини билмайдилар.

Китобларимизда ёзилишича, инсоннинг қалбида тўқсон тўққизта зулмат бор. Бу зулматлар инсонни кўп ахлоқсизликга етаклайди. Агар инсон Аллоҳ таолонинг исмлари мазмунини тушуниб етса, қалбидан зулматлар касри йўқолади, ахлоқсизликлар барҳам топади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Ичига нур кирган қалб очилади ва кенгаяди”, деганла-

рида, “Бунинг аломати нима?” деб сўрашди. “Фоний дунёдан узоқлашиш, боқий — абадият манзили — охират дунёсига кўнгил бериш ва ўлмайд туриб, ўлимга ҳозирлик кўриш”, деб жавоб бердилар.

Авваламбор, талаба ниятини холис қилиши, Аллоҳ ризолиги учун илм олишга киришмоғи лозим. Бу дунёда ўзи танлаган соҳа илмини чуқур ва пухта ўрганиб, мусулмонлар оғирини енгил қилиб, охиратда ажру савоб, олий

ҚАЛБ ҲАМИША

Расулulloҳ (с.а.в) айтган эканлар “Қалблар ҳам кирланади, уларни жилолантиринг”. Саҳобалар сўрашди: “Нима билан, ё Расулulloҳ?”. “Тавба билан”, деб марҳамат қилдилар.

Донишмандлар: “Инсон қалби қанча тоза, саришта бўлса, Аллоҳ нури, илму ҳикмати унда шунча чиройли акс ётади”, деб бежиз айтмаганлар.

Қалб Аллоҳнинг назаргоҳи, дейишади. Эгнимиздаги бир парча матони ҳар куни тозаламоқдан чарчамаймиз. Қасру равоқимизга оро берамиз. Аммо қалбимизни унутаимиз.

Қалб Аллоҳнинг мулки. Уни ҳирсу ҳавасга, мол-дунё васвасаларига бой бериб қўймайлик.

Абдулҳафиз МАВЛОҲОВ,
*Тўрақўрғон туманидаги
“Яндама” жомеъ масжиди
мутавааллийи*

Илмнинг баракаси

Қалбида имони бор каттаю кичик бугун илм олишга, динимиз арконларини янада мукамалроқ ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Бунда қандай йўл тутган яхши?

мақомларга етишишни кўзда тутиши керак. Илм олиб, одамлар орасида ҳурматга сазовор бўлиш, молу дунёга эришиш, ўткинчи мансабларга етишишни ният қилмаслик зарур. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.) «Барча қилинадиган ишлар ниятга боғлиқ бўлади» деб марҳамат қилганлар. Бошқа бир ҳадисларида эса: “Кўринишда дунёвий бўлган амаллар ният яхшилиги билан охират амалларига айланади, кўринишда охират амали бўлган амаллар ният ёмонлиги билан дунё амалига айланади”, — деганлар.

Илм ўрганишда, албатта, устознинг ўрни жуда муҳим. Шу жиҳатдан муносиб устоз танлай билиш керак. Танланажак устоз ўз соҳасининг билимдони, мутахассиси бўлсин. Яна тақводор, ҳаромдан ҳазар қиладиган бўлсин. Зеро, устознинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати аста секинлик билан шогирдида номоён бўлиб боради. Қимматли вақтларини аямасдан, бор маҳоратларини ишга солиб, ихлос билан Аллоҳ ризолиги учун илм ўргатган устозларнинг ҳурматларини жойига қўйиш илм олишнинг муҳим шартидир: “Аллоҳнинг китобидан бир оятни ўргатган киши

ўрганувчининг хожаси бўлади”. Биз фахрланадиган кўп-лаб аждодларимиз устозларига бўлган ҳурмат, эҳтиром, ва хизматлари туфайли улуғ мақомларга эришганлар. Халқимиз: “Устоз назарига тушсанг, гул бўласан, устоз на-

шиб қолса, бутун рўзғор ташвишини бечора аёлларимиз елкасига шундоққина юклаб кўя қоламиз. Ахир аёлнинг вазифаси уй ишлари, бола тарбияси, оила аъзоларини оқ ювиб-оқ тараш эмасми?

Аёлларнинг бозорга, кўча-

унча бош қотирмайди. Ишлаётган аёллар болаларини ясли-боғчага ёки энагага топширишга мажбурлар. Ёш бола фақат биологик парвариш эмас, руҳий озуқа, яъни меҳр-шафқат, муҳофаза, севгига кўпроқ муҳтождир. Бунини у

ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

заридан қолсанг, кул бўласан” деб бежиз айтмаган.

Аллоҳ ҳаммамизга фойдали, баракали илм ато этсин.

Ибодулло АҲРОР,

*Тошкент Ислоҳ институтининг
мударриси*

Оғир йўқотиш

Мен ўзимча ҳаётга холис қарайдиган кишиман, олий маълумотли муҳандисман. Аёлларнинг туғруқхоналар, ўқув юртлари, чеварлик ва пазандалик каби корхоналарда ишлашларини ёқлайман. Аммо ҳозир аёлларнинг рўзғор, бола-чақа ташвишида эркакларнинг ўрнига чиқиб қолаётгани мени ташвишга соляпти. Гўзаллик, ҳаё, назокат тимсоли бўлган аёлларимизнинг бозорларда, кўча-куйларда офтоб нурида, изғирин шамолларда қорайиб-тўзиб “савдо” қилишлари, бақир-чақир, беҳаё сўзлар, ёлғон-яшиқлар билан эркакларни “бир чўқишда қочираётганлари” менга асло ёқмайди. Бунда, албатта биз эркакларнинг айбимиз катта. Никоҳ ўқилганида бола-чақани боқиш мажбуриятини бўйинга ола-миз-у, сал турмуш оғирла-

га чиқиб кетиши оилага қандай барака киритяпти? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Масалан, менинг аёлим нашриётлардан бирида ишлайди, солиқ ва тўловлардан ташқари қўлига йигирма тўрт минг сўм нақд маош олади. Ўн тўрт минги транспорт харажатларига кетади. Энг камтарона тушлик қилганида ҳам ойига беш-олти минг сўмга боради. Кийиниш, ишхонада бўлиб турадиган тадбирларга кетадиган харажатлар ҳам бор. Боғча-ясли харажатларини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Хуллас, қанақасига ҳисоб қилсангиз ҳам, аёлларнинг ишлаши фойда ўрнига зарар келтиряпти.

Бу ҳам майли, кўпчилик яна бир оғир йўқотиш ҳақида

фақат онадан олади. Шунинг учун боланинг маълум муддатига оиладан айрилиши бора-бора бола руҳиятига таъсир қилиб, унинг қўрқоқ, тажанг, жиззаки ва худбин бўлишига олиб боради. Келажакда уни характерида салбий кўринишлар кўпайиб кетади. Бир газетда ўқувдим: Туркияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, “меҳнат қилувчи аёл фарзандини қанчалик эртароқ бегоналар қўлига топширса, унинг руҳий жиҳатдан носоғлом ўсиш хавфи шунчалик юқори бўларкан. Бу эса, назаримда, ҳар қандай иқтисодий қийинчиликдан ҳам оғир йўқотиш бўлади”.

АБРОР,

муҳандис, Тошкент шахри



Кет СТИВЕНС:

МЕН ҚАНДАЙ МУСУЛМОН БЎЛДИМ



Менинг айтмоқчи бўлаётганларимни сизлар аллақачон биласизлар: пайғамбар Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам) олиб келган рисолат ҳақиқат динидир. Инсон сифатида бизларга онг, заковат берилиши билан бирга, улкан масъулият ҳам юкланган. Бу дунё ҳаёти охирад учун тайёргарлик маскани эканини англаш, турли алдамчи ўй-орзулардан сақлана олиш Аллоҳнинг ердаги вакили қилиб яратилган инсон учун ғоятда муҳимдир. Мазкур синов дунёсидан ўтолмаганлар қайта имтиҳон топширишга қўйилмайдилар. Зеро, Куръони каримда айтилишича, кўплаб инсонлар Ҳисоб куни яна имконият берилишини сўраб ёлборганларида, Аллоҳ таоло шундай дер экан: **“Агар сизларни орқага қайтарсам, яна шу ишларни қиласизлар”**.

Дастлабки диний тарбия

Мен замонавий дунёнинг барча ҳашаматлари мавжуд жамиятда улғайдим. Дастлабки диний тасаввурни ота-онамдан олдим. Улар менга Худо мавжуд, У билан Исо орқали алоқа қилинади, деб ўргатишди. Мен шу эътиқодга риоя қилдим, лекин, эътироф этаман, уни тўла қабул қилолмаганман.

Исонинг ҳайкаллари кўп кузатардим. Улар жонсиз тошлардан бошқа нарса эмасди. Худони учта дейишганида ҳам фикрларим чалкашиб, боши берк кўчага кириб қолардим.

Поп юлдузи

Улғайган сарим диндан узоқлашиб бордим. Мени бошқа нарса — шоу-бизнес олами ўзига ром қилди. Биз яшаган давр барча ёшларнинг идеали, орзуи замонавий рок-поп юлдузлари бўлиш эди. Мен ҳам шу оқимнинг етакчиларидан бўлдим. Эҳтимол, ўша пайтлар пул топиш, шоу-бизнес қилишни менинг ягона худойим, деб ўйлаган бўлсам ҳам ажаб эмас.

Тоғамнинг чиройли мошинаси бор эди. “У бунга қандай эришди?”, дердим ўзимга. “Унинг пули кўп, шунинг учун!” деб хулоса қилардим.

Атроф-муҳитнинг менга таъсири шунақа бўлди. Мол-дунёни “Худо” деб ўйладим. Сўнг ҳаётимни шу асосга қуришга аҳд қилдим: кўп пул топиш, дабдабали яшаш...

Бир-икки ўртоқларимни йиғиб, қўшиқлар ярата бошладим. Бой бўлсам, муҳтожларга ёрдам бераман, деган ниятим ҳам йўқ эмасди. Лекин одам бирор нарсага эришса, янада очкўз бўлиб кетаркан. Кўп ўтмай мақсадларимга ҳам эришдим: пул, шуҳрат ўзи оқиб кела бошлади. Газит-журналларда ҳар куни расмларим босиларди. Бориб-бориб кўнгиш бу роҳат-фароғатлардан ҳам қониқмай қолди. Спиртли ичимликлар ичишга муккамдан кетдим.

Шифохонада

Шон-шуҳратлар чўққисига чиққанимга бир йил бўлар-бўлмас қаттиқ касал бўлиб қолдим. Шифохонада ётиш менга ҳаётим ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш имконини берди: Менга нима бўлди? Қайдай яшайман? Шу жисмни роҳатлантиришдан бошқа мақсадим ҳам борми дунёда? Нега бу ерданман? Нега ётибман?

Шарқ фалсафасига азалдан қизиқишим бор эди. Шифохонада ётган кунларим унга оид китобларни ўқиб бошладим. Ўлим ва руҳнинг кўчиши масаласи мени ўзига ром қилиб олди. Англаган нарсам шу бўлдики, инсон фақат танадангина иборат эмас экан...

Бир куни кўчада кетаётсам, ёмғир қуйиб юборди. Дарҳол панага қочдим. Ивиб ўтириб, миямга бир фикр келди: “Шошма, танамга ёмғир теккач, у ҳўл бўлаётгани ҳақида менга ахборот берди. Шу боис бу ёққа қочдим. Демак, тана ҳам эшакдай қайси томонга бошласанг, ўша ёққа юрадиган нарса экан-да. Фақат унга қаёққа юриш кераклигини ўргатиш керак. Йўқса, ўзи хоҳлаган томонга бошлаб кетаверади”.

Менда танани Худонинг хоҳишига кўра бошқариш истаги туғилди. Шарқ фалсафасига янада қаттиқ берилдим. Насронийликдан кўнглим қолиб бўлганди.

Ўша даврларда яралган қўшиқларимда мазкур ҳиссиётларим акс этди. Улардан бирида шундай сатрлар борлигини эслайман: “Худо қандайлигини билсам эди, дўзах қандайлигини билсам эди, шу чанг босган кулбаларда ҳам Сени таниш мумкинми?”

Қўшиқларимдан бири ҳатто “Худони англаш йўли” деб аталарди. Бу қўшиқлар билан шуҳра-

тим янада ошди. Изтиробларим эса камаймасди. Бир томондан, бойлик, шон-шуҳратим ошиб борса, иккинчи томондан ҳақиқатни топишга бўлган интилишларим ҳам кучайиб борарди. Ҳайлаб-ҳайлаб, буддийлик энг тўғри йўл, деган қарорга келдим. Лекин ҳали унинг шартларини бажаришга тайёр эмасдим. Таркидунёчилик қилиш қийин эди.

Инжилни қайта ўрганиб чиқиб ҳам қалбимга ҳаловат берадиган ҳеч нарса топа олмадим. Унда ҳали Ислом ҳақида ҳеч нарса билмасдим. Лекин мен ахтарган мўъжиза юз берди...

Акам Қуддусга бориб қайтди. У ердаги масжидга кирибди. Одам тўпланганига қарамай, у ерда тинчлик, сокинлик ҳукмронлигини кўриб, қаттиқ таъсирланибди. Шу таассуротларини айтиб қолди.

Қуръон

Акам Лондонга қайтгач, Қуддусдан олиб келган Қуръонни менга ҳадя қилди. У ҳали мусулмон бўлмаган, лекин Исломдан қаттиқ таъсирлангани кўриниб турар эди. Шу боис ҳам менга Қуръонни ўқишни тавсия қилди.

Қуръон менинг барча саволларимга жавоб бера оладиган мукамал дастуриламал эканини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Мен кимман, яшашдан мақсадим нима, ҳақиқат нима ўзи каби саволларнинг барчасига жавоб ахтаришим Исломнинг ҳақиқий дин эканига имон келтиришим билан яқунланди. Дин фарб тушунадиган нуқтаи назардан мутлақо бошқача экан, у фақат кексалар учун эмас экан. Фарбда ким динни маҳкам тутса, ҳаётини фақат у билан боғласа, бундайлар мутаассиб ҳисобланади. Албатта, мен мутаассиб эмас эдим.

Менинг тана ва руҳ тўғрисидаги тушунчаларим чалкаш эди. Энди англадимки, руҳ билан тана бир-биридан айри саналмайди. Диндор бўлиш учун тоққа кетиш ё таркидунё қилиш шарт эмас. Биз фақат Худонинг буйруғига эргашишимиз керак, холос. Шунда даражамиз фаришталарникидан ҳам юқори бўлади.

Мен яна шуни англадимки, ҳамма нарса Худога тегишли, ҳамма нарсани У яратган. Мен ўзимни ўзим яратмаганман. Мен Исломдаги мукамал ҳаёт йўлига амал қилиш учун яратилганман.

Мен ўзимни мусулмондек ҳис қила бошладим. Мендаги кибр йўқола бошлади.

Қуръонни ўқиб, насронийликдаги кўплаб чалкашликларнинг сабабини ҳам тушуниб олдим. Худо юборган барча пайғамбарлар бир хил эътиқод олиб тушишган. Фақат одамлар кейинчалик уларни ўзгартириб юборган. Насронийлик билан яҳудийлик ўртасидаги фарқ ва зиддиятлар ҳам шундан. Яҳудийлар Исони (алайҳиссалом) қабул қилишмаган ва

Худонинг Сўзини ўзгартириб ташлашган. Насронийлар ҳам ҳаддиларидан ошиб, Исони (алайҳиссалом) “Худонинг ўғли” деб атаб олишган.

Хуллас, Қуръонни ўқиб, ҳамма саволларимга жавоб, руҳий изтиробларимга даво топдим. У яратилган нарсаларга эмас, фақат биргина Зотга, Буюк Яратувчига ибодат қилишни буюради. Қуръон ой ва кунга Аллоҳнинг яратган мўъжизалари сифатида қарашга ўргатади. Биз кун ва кун билан ойнинг бир-биридан фарқли эканини яхши биламиз. Улар ердан турли хил узоқликда жойлашган. Лекин бизга бир хил масофада кўринади. Баъзи хусусиятлари билан бири иккинчисининг ўрнини боса олади ҳам.

Ҳазратлар самодан ернинг заррадек кичик эканини кўриб, бутун Коинот Аллоҳнинг чексиз раҳм-шафқати ва инояти билан шу кичикгина заррага хизмат қилаётганини яхши билишди. Бунақа мўъжизаларни кўп кўришганидан уларнинг аксарияти художўй бўлиб кетишган.

Қуръонни ўқиб чиққач, менда мусулмон биродарлар билан танишиш истаги туғилди.

Мен мусулмонман

Мен ҳам акамга ўхшаб Қуддусга сафар қилдим. У ерда мусулмонлар билан танишиш учун бир масжидга кирдим. Тараддуланиб турганимни кўриб, бир киши мендан нима қилмоқчилигини сўради. Чамамда, у мендан шубҳаланди. Мен унга ниятимни айтдим. Сўнг биргалашиб масжидга кирдик.

Лондонга қайтгач, Нафиса исми муслима билан танишдим. Унга мусулмон бўлмоқчилигини айтганимда, Янги Қироллик масжидига боришимни тавсия қилди. Бу воқеа 1977 йил содир бўлган эди.

Нафс ва шайтон истақларидан воз кечиб, тўғри йўлга юз тутиш пайти келган эди. Бир кун жума намозидан сўнг имом хузурига кирдим ва унинг олдида шаҳодат калимасини айтиб, имон келтирдим.

Ҳеч қандай воситаларсиз тўғридан-тўғри Аллоҳга боғланиш, мурожаат қилиш менга бир олам хузур бағишлади. Аллоҳ билан банда ўртасида ҳеч қандай тўсиқ йўқ экани менинг Исломга муҳаббатимни янада ошириб юборди.

Исломнинг мукамал дин эканига имон келтираман. Қуръоннинг Аллоҳ китоби ва Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ пайғамбари эканига гувоҳлик бераман. Ҳидоятга бошлаган Раббимизга ҳамдлар бўлсин.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлларини маҳкам тутайлик, шундагина нажот топамиз.

Бехзод АБДУСАМАД

таржимаси

ЗАРРАГА БЕРКИТИЛГАН УЛКАН КУЧ

Чексиз қудрат соҳиби Аллоҳ субҳонаҳу ва тало борлиқдаги энг улкан кучни оламнинг энг кичик бўлаги — атомга жойлаган. Аллоҳнинг Холиқ исмига бир далил, Яратувчилик санъатининг бир намунаси атом мўъжизасидир.

XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб юзлаб олим атомга яширинган

буюк сирни очиш учун тинимсиз изланишлар олиб борди. Бу тадқиқотлар натижаси ўлароқ, атомнинг шакли, унинг ҳаракати, тузилиши ва яна бир қанча ноёб хусусиятлари кашф этилди. Жумладан, қадимги физикачи олимларнинг “материянинг моҳияти бебош ва охири йўқ” деган фаразлари нотўғри экани исботланди. Атом устида олиб борилган изланишлар ҳақиқий физиканинг тамал тошини қўйди.

Кўп олимлар бу мавзудаги саволларга жавоб излаш давомида яна бир ҳақиқатнинг гувоҳи бўлишди: бутун борлиқда бўлганидек, унинг энг кичик бўлаги атомда ҳам бенуқсон тартиб, аниқ мувозанат ва юқори даражада аниқлик билан ишлаб чиқилган режа мавжуд.

Бу кўзга кўринмас зарра ичига мукамал тизим жойланган. Аммо, атомнинг ғаройиб хусусиятлари бу билан чегараланмайди, унда жуда катта манбаи мавжуд.

Атомда сақланган куч шу қадар қудратлики, инсоният бу куч ёрдамида уммонларни бир-бири билан бирлаштира оладиган улкан каналларни қуриши, ер юзида сунъий иқлимни ҳосил қилиши ва яна кўп кашфиётларни амалга ошириши мумкин. Лекин бу фойдали, қудратли кучнинг бутун мавжудот учун хавфли эканини ҳам унутмаслик лозим. Иккинчи Жаҳон урушида атом ку-

чидан ҳарбий мақсадда фойдаланиш оқибатида Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида ўнминглаб одам бир неча сония ичида ҳаётдан кўз юмгани бизга маълум. Чернобил атом стансасининг портлаши натижасида қанча-қанча инсонлар нобуд бўлишди ва ногирон бўлиб қолишди.

Ядрога яширинган куч

Атомнинг ядросида протон ва нейтронларни ўзида бирлаштириб турувчи жуда катта куч яширинган.

Агар бу кучга ташқаридан таъсир этилмаса, у ҳеч қандай зиён етказмайди. Аммо инсоннинг аралашуви билан

у милёнлаб кишиларнинг ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Атом ядросида сақланган ва милёнлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлувчи жуда катта қувват за-

ряди атомнинг ичида “ядро парчаланиши” ва “ядро синтези” каби реакциялар занжири натижасида ҳосил бўлади.

Бир қарашда, бу жараён фақат атом ядросида содир бўлаётгандек туюлади, аслида, реакция атомнинг бутун ички тузилишида амалга ошади. “Ядронинг парчаланиш” реакцияси ядронинг бўлинишини, “ядро синтези” эса икки ядронинг улкан куч ёрдамида бирлашувини кўрсатади. Иккала реакцияда ҳам жуда кўп миқдорда қувват ажралиб чиқади.

Ядронинг парчаланиши

Ядронинг парчаланиш реакцияси натижаси бўлган ядронинг бўлиниш жараёни “ядронинг қудратли кучи” деб номланувчи борлиқдаги энг шиддатли куч орқали амалга ошади.

Уран тажриба шароитида атом ядросини пар-



чаловчи асосий унсур ҳисобланади. Тажриба давомида уран ядроси томон нейтронларни йўналтирган олимлар жуда қизиқ маълумотларни қўлга киритишди. Уран ядроси нейтронларни “ютиб юборгани”дан кейин, ядрога юзага келган ички мувозанатсизликни протон ва нейтронлар миқдоридоги тафовут пайдо қилади ва у “беқарор” ҳолатга тушиб қолади.

Мувозанатсизликни йўқотиш учун ядро қувватини муайян ҳажмда кенгайтириб, бўлақларга бўлина бошлайди. Ҳосил бўлаётган қувват таъсирида ядро ўзида бирлаштирган зарраларни ташқарига чиқаради.

“Реактор” деб номланган махсус шароитда ўтказилган тажрибада нейтронларнинг катта тезликда уран томон йўналиши кузатилган. Мўлжал аниқ бўлиши учун мавжуд уран миқдоридоги атом ядролари “бомбардимон” қилинади. Бу жараён амалга ошиши учун уран таркибидоги барча атомлар камида иккига бўлинади. Натижада ҳар бир ядродан ўртача иккита-учтадан нейтрон ажралиб чиқади. Ушбу нейтронлар яна шунча миқдордаги уран ядролари билан тўқнашади ва шу тарзда реакция занжири ҳосил бўлади. Янги бўлинган ҳар бир ядро ўзида ураннынг биринчи ҳолатини акс эттиради. Реакция занжири натижасида катта миқдордаги уран ядроси парчаланadi ва ниҳоятда кўп қувват ажралиб чиқади.

Борлиқни кўзга кўринмас зарраларгача мукамал мувозанатда яратган Аллоҳ таоло Ўзининг чексиз қудрати билан атомни яратиб, унга улкан кучни жойлаган ва оламда энг майда бўлмиш бу заррада юз берувчи жараёнларни бошқариб туради.

Ядро синтези

Ядро синтези реакциясида ҳосил бўладиган қувват парчаланish реакциясидан фарқ қилиб, иккита енгил ядронинг бирлашиб янада оғирроқ бўлиши билан пайдо бўлади. Лекин ядролар ўзида фақат мусбат электр зарядларини ташигани учун уларни яқинлаштиришга ҳаракат қилинганида бир-бирларини шиддат билан итаргани сабабли синтез реакциясини тажриба йўли билан амалга ошириш имкони йўқ. Иккита мусбат зарядли атомни бирлаштириш ва улар ўртасидаги иккитомонлама қаршилиқни йўқотиш учун 20–30 милён даражадаги эквивалент ҳароратли кинетик энергия (ҳаракат қуввати) лозим бўлади. Лекин бундай ҳароратни ер шароитидаги тажрибаларда ҳосил қилиб бўлмайди. Ҳосил

қилинган тақдирда ҳам реакция ўтказиш ускуналарининг бирортаси бундай юқори даражали ҳароратга чидаш беролмайди. Ядронинг синтез реакциясини замонавий илм-фан тажриба йўли билан амалга ошириш имкониятига эга эмас.

Бироқ, ажабланарли томони шундаки, синтез реакцияси табиий йўл билан ҳар сонияда содир бўлади. Қуёшдан бизгача етиб келадиган ёруғлик ва иссиқлик моддаларнинг ўзгариши ва водород ядроларининг бирлашиб, гелийга айланиш жараёнида йўқолган моддалардан ажралган қувват ҳисобига ҳосил бўлади. Қуёш ҳар сонияда беш юз олтмиш тўрт милён тонна водородни беш юз олтмиш милён тонна гелийга айлантиради. Қолган тўрт милён тоннаси газсимон модда — қувватга айланади. Қуёш ишлаб чиқараётган қувват ердаги барча жонли мавжудотларнинг ҳаёт кечиришлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Мана, милён йилдан бери бу жараён ҳар сонияда такрорланиб турибди. Лекин шу ўринда бир савол туғилади: агар Қуёш ҳар сонияда тўрт милён тонна моддани йўқотаётган бўлса, бир кун келиб Қуёшдаги моддалар заҳираси тугайди, у ҳолда нима бўлади?

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, Қуёш ҳар сонияда ўз оғирлигидан тўрт милён тоннасини йўқотади. Агар Қуёш уч миллиард йилдан бери доимий равишда шунча миқдордан модда йўқотаётганини ва жуда тез суратда катта қувват ишлаб чиқараётганини ҳисобга олсак, ўтган вақт давомида Қуёшнинг беш мингдан бир қисмини таш-



ЭЧКИ СУТИ

Эчки сути мизожда энг мўътадил ҳисобланади. Ибн Сино таърифлашича, эчки сути назлаларга даво бўлади, ични суради, томоқдаги, қовуқдаги яраларни даволайди, йўтал, қон туфлаш, бошоғриғи, меъда хасталиклариди фойда қилади. У қуруқ мизождан бўладиган хафақон, васваса ҳамда эсда сақлаёлмаслик касалига ҳам яхши даводир. У билан оғизни чайқаш ва фарғара қилишнинг томоқ оғриққа, тилча, бодомсимон безлар шишларига, силга ва ниҳоят даражада озиб кетишга фойдаси катта. Олимлар таъкидлашича, эчки сути кимёвий таркибига кўра кўпроқ она сутига яқин туради. Витамину минерал моддаларга бой. Таркибида, айниқса, ёғ ва оқсиллар мўл бўлиб, уларни организм тез ва осон қабул қилади. Ёғ доначалари сигир сутиникидан икки баробар кичик, оқсиллари эса нозик бўлади. Шу боис эчки

сутини гўдакларга ҳам берса бўлаверади. Рахит, жигар, ўпка сили, аллергия касалликларини даволашда эчки сутининг ўрни катта. У ишқорли бўлганидан ошқозони ошиқча кислота ажратадиган одамларга яхши даводир. Экзема, қичима, астма билан оғриган кишиларга ҳам эчки сути ичиш тавсия қилинади. Бўғинлар оғриғини қолдиришда, ўт халтадаги тошни туширишда ҳам эчки сути қўлланилади.

Маслаҳатлар

1. Эчки елинини яхшилаб ювиб, кейин соғиш керак.
2. Эчки сутини фақат пишириб ичиш тавсия этилади.
3. Эчки сутидан хуштаъм қатиқ, сузма, қурут тайёрлаш мумкин.
4. 110-220 гр. эчки сути 1,75 — 3,5 гр. бодом елими ёки ювилган исириқ уруғи билан

қўшиб ичилса, қон қусиш, йўтал ва силга, шунингдек, ички аъзолардан қон кетишига даво бўлади.

5. Эчки сутига зарпечак аралаштириб ичилса, ичкетарнинг асорати барҳам топиб, ични боғлайди.

6. Райҳон уруғини туйиб, эчки сутиди пишириб боғланса, шишлар, чипқон ва тошмаларни пиширади ва ёриб, малҳам бўлади.

7. Эчки сути сузмасининг зардоби ичилса, сафроли ичкетар, савдоли иллатлар ва сариқ касаллигининг олдини олади.

8. Эчки сути иссиқ ичилса, ични юмшатади, пешобни келтиради, ичаклардаги дардларни бартараф қилади.


9. Совуқ ва ҳўл мизожли одамларга эчки сутининг зарари бор, ҳиқичоқ ва кекириш пайдо қилади.

10. Эчки сути шакар билан ичилса, юз рангини чиройли қилади.

Сафар МУҲАММАД

Мўъжиза, ҳикмат

кил қилувчи тўрт юз миллиарднинг миллиардга кўпайтирилган миқдорича тонна модда сарф бўлгани аниқланади. Бу эса уч миллиард йил давомида беш килограммик тошдан сарф бўлган қум зарраси миқдорига тенг. Демак, Қуёш ҳажмининг бутунлай ёниб битиши учун жуда узоқ вақт керак бўлади.



Ушбу маълумотлардан биз Аллоҳ таолонинг ҳар бир атомга ва ундан ҳам майда протон ва нейтронларга жойлашган чексиз қудратининг гувоҳи бўламиз. Бу қудрат ва мўъжиза ҳақида Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Ўзининг каломи Қуръони каримда шундай буюради:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **сиз қандай иш (билан) машғул бўлманг ва у (иш) ҳақида Қуръондан бирон оят ўқиманг**, (эй инсонлар), **сизлар қандай амални қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта, Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз. Еру осмондаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичикроқ (ёки) каттароқ бирон нарса Парвардигорингиздан махфий бўлмас — албатта очик Китобда (Лавҳул-Маҳфузда) мавжуд бўлур**” (Юнус, 61).

Маҳмуд МАҲКАМ
таржимаси